Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 254 (13.210).
29 ОКТЯБРЬ 1965 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ АРХИТЕКТОРЛАРИНИНГ IV СЪЕЗДИ

МОСКВА, 28 октябрь. (ТАСС). Мамлакатимизнинг меъморлари Катта Кремль саройида икки кундан буён маслаҳатлашмоқдалар. Совет архитекторларининг тўртинчи съездида архитектура проблемалари ҳақида, Ватанимиз шаҳар ва қишлоқларини кўркам қилиш тўғрисида, совет кишисига қулайликлар яратиб бериш тўғрисида гап бормоқда.

Эрталабки мажлисда раислик қилувчи Г. Головко (Украина) Граждан қурилиши ва архитектура давлат комитетининг раиси М. Посохинга биринчи сўз берди.

Шундан кейин А. Бобохонов (Ўзбекистон), В. Арутюнян (Арманистон) ва бошқалар сўзга чиқдилар.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЗАФАР МУБОРАК

Хўжайли райони

Райондаги пахтакор хўжаликлар далаларида бу йил мўл-кўл пахта ҳосили етиштирилди. Фидокорона меҳнат самараси — «оқ олтин» дурдоналарини барвақт йиғиштириб олиш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган азамат деҳқонлар пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Давлат омборларига 27 минг 500 тонна Хўжайли пахтаси тўкилди. Ҳосилнинг 6 минг тоннадан кўпроғи «зангори кема»лар билан териб олинди.

План бажарилган бўлса ҳам, хали далаларда меҳнат сурони авжида. Район пахтакорлари Ватанга яна 6 минг 500 тонна пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятларини ҳам тезроқ бажариш ниятида самарали меҳнат қилаётирлар.

Ленинград райони

КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақага қўшилган Ленинград районининг азамат пахтакорлари улкан меҳнат зафарини кўлга киритдилар. Улар давлатга 63350 тонна «оқ олтин» топшириб, планни шараф билан бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Тайёрланган ҳосилнинг 95 процентдан зиёдроғи биринчи сортларга қабул қилинди. Ҳар гектар ердан 25,5 центнердан пахта териб олинди.

Районда пахтани машиналар билан териб олишга алоҳида эътибор берилди, терим агрегатлари бункеридан 11 минг тонна пахта тўкилди.

Давлатга пахта сотиш давом этаётир. Район пахтакорлари хосилдорликни гектар бошига 27 центнерга етказишга ахд қилдилар.

Бағдод райони

Гўзал Фарғонанинг яна бир райони маррага етди. Бағдод районининг пахтакорлари давлатга пахта сотиш планини муваффақиятли адо этдилар. Ватан омборига 47600 тоннадан ортиқ ёки ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 7 минг тонна кўп «оқ олтин» тўкилди. Тайёрланган пахтанинг 95 проценти биринчи сортларга қабул қилинди.

Планни қисқа муддатда бажарган ва ҳозир давлатга мажбурият ҳисобига пахта сотаётган «Большевик», «Победа», «Коммунизм», «Пахтакор», «Қизил Ўзбекистон» ва «Ленинград» колхозлари районда эришилган ғалабага катта ҳисса қўшдилар.

Ҳосил йиғим-терими давом этмоқда. Бағдодликлар пландан ташқари яна 4500 тонна пахта тайёрлаш мажбуриятини олдилар.

Сўз — машъалларимизга

КЕЛАСИ ЙИЛ ТАРАДДУДИ

Тер тўкилди — дур етиштирилди. Колхозимиз аъзоларининг ташаббускорлиги ва фидокорона меҳнати туфайли бу йил ички резервлар кўпроқ қидириб топилди ҳамда тўла ишга солинди. Мавжуд имкониятлардан ва ихтиёримиздаги техникадан самарали фойдаланилди. Бу эса эрта баҳорда ва ёзда юз берган сув танқислигини мардонавор енгишда асосий роль ўйнади. Барча майдонларда ҳосил кутилганидан ортиқ бўлди.

Йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ ҳамма ишчи кучлари дала ишларига сафарбар этилди. Уларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Теримчиларга прогрессив усулда ҳақ тўланди. Яъни пахтани кўп ва юқори сифатли терган, нобудгарчиликка йўл қўймаган теримчиларга устама мукофот бериб борилди. Колхозчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланган бу тадбир теримчиларнинг масъулиятини оширди, уларни кундан-кунга кўп ва сифатли пахта теришга қизиқтирди. Натижада терим суръати тобора жадаллаштирилди.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин суръат тағин ҳам ошди. Пленум қарорларидан бениҳоя руҳланган колхозчиларимиз отни янада қамчилаб, ҳар куни йиллик планнинг тўртбеш процента ва ундан ҳам кўпроғи миқдорида пахта тайёрланишига эришдилар. План жуда қисқа муддатичида бажарилди. 1326 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 28 центнер ўрнига шу кунгача 30 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олинди.

Айрим бригадалар янада юқори кўрсаткичларга эришдилар. Фармон Болтаев бошлиқ бригада пахтакорлари катта майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтардилар. Улар ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказиш учун терим суръатини сира бўшаштирмай давом эттирмоқдалар. Олим Ахтамов, Умаркул Қиличев, Ато Бақоев, Холиқул Алиқулов, Ҳасан Исломов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари пахта тайёрлаш йиллик планини 125-145 процент атрофида адо этдилар. Колхозимиздаги 16 бригаданинг деярли ҳаммаси планини тўла ва ошириб бажарди.

Бу йил пахтазорларимизда ҳар йилдагидан кўп — 16 «зангори кема» жавлоп урди. Ҳар бир агрегат билан пахта териш юзасидан белгиланган мавсум нормаси муваффақиятли бажарилди. «Пўлат от» чавандозларидан Аҳмад Ҳалимов, Санд Асқаров, Муҳиддин Усмонов ўртоқлар ўз машиналари бункерларидан 110 тоннагача пахта тўкдилар. Ҳамма ҳосилнинг учдан бир қисми механизмлар ёрдамида териб олинди. Ҳосилни машинада теришдан колхозимиз катта соф фойда кўрди. Бундан ташқари, механизациялашган терим туфайли пахта тайёрлаш суръати ўтган йилдагидан икки баравар жадаллаштирилди, иш маданияти ошди, маҳсулот сифати яхшиланди. Топширилган пахтамизнинг деярли ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Лекин ёз бўйи тер тўкиб етиштирилган «оқ олтин» дурдоналарининг ҳали ҳаммаси йиғиштириб олингани йўқ. Ҳосилнинг сўнгги кўрагигача йиғиб-териб олинмагунча тиниб-тинчимаслигимиз керак. Чунки пахтанинг ҳар бир граммн олтин билан тенг. Колхозчиларимиз буни жуда яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам улар КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларига жавобан ҳосилдорликни гектарига 32 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар. Пахтакорларимиз ўз сўзларининг устидан чиқиш учун курашиб, далаларда ғайратларига-ғайрат қўшиб ишлаётирлар. Ҳамма ҳосилни ноябрь ойи бошларида йиғиштириб олиш учун дала ишларини конвейер усулида ташкил қиламиз.

Кузги шудгор — мўл ҳосил учун курашнинг боши. Экин майдонларини об-тобида чуқур шудгор қилиб қўйган деҳқон доғда қолмайди. Биз ўтган йили кузда ҳамма пахта ерларини сифатли ҳайдаб қўйганлигимиз туфайли чигитни 7 ноябрь кунида экиб олишга муваффақ бўлдик. Чунки ерни ҳар йилдагидек эрта кўкламда ҳайдамасдан, фақат тупроқни чизель ёки мола билан юмшатдик. Бу билан кўкламги дала ишларининг ҳажмини кескин камайтиришга эришдик. Яхоб бериш натижасида тупроқда тўпланган нам тўла сақлаб қолинди. Чигит тупроғининг ўз намига қийғос ва қисқа муддатда ундириб олинди. Ғўза парваришн пешма-пеш бошлаб юборилди. Бу, пахтадан мўл ҳосил етиштиришимизда ва унинг барвақт очилишига эришишимизда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ана шу тажрибамизни мустаҳкамлаш учун курашиб, далалардаги пахтанинг бир чигитини ҳам қолдирмай йиғиштириб олиш билан айни вақтда, келгуси йил мўл ҳосили ҳақида қайгурмоқдамиз. Шу кунларда ҳосил йиғим-теримини 1966 йилга тайёргарлик кўриш ишлари билан маҳкам боғлаб олиб бормоқдамиз. Партов ерлар, сабзавот, қовун-тарвуз, картошка, маккажўхори ва бошқа экинлардан бўшаган далалар чуқур шудгор қилинмоқда. Биз ҳамма майдондаги пахта ҳосилининг йиғиб-териб олинишини кутиб турмаймиз. Ҳосилдан бўшаган ерлардаги ғўзапояларни машиналарда илдизи билан сугуриб олиб, пайкалларни яхшилаб тозалаб шудгор қилаверамиз. Бу эса бизга ҳосилни йиғиштириб олишни шудгорлаш билан деярли бир вақтда тугаллаш имконини беради. Бунинг аҳамияти катта. Ер ҳайдаш қанчалик эрта тугалланса, қишки тадбирларни шунчалик пухта ўтказиш учун шароит вужудга келади, мўл ҳосилга замин яратишда шошмашошарлик юз бермайди.

Ёзда ҳаво ҳаддан ташқари исиб кетганлиги, сув камчил бўлганлиги сабабли тупроқда нам қолмади. Қуруқ тупроқни шудгор қилишнинг фойдаси йўқ. Негаки, ерда нам бўлмаса, шудгорлаш экинниг ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилолмайди. Шунга кўра, биз нами қуриб қолган далаларни ҳайдаш олдидан енгил сув қўйиб сугормоқдамиз. Тупроқ тобига етгач, гектарига 4-5 тоннадан маҳаллий ўғит, аввало гўнг солиб чуқур ҳайдаймиз. Ҳайдаш натижасида тупроқнинг устки қисмидаги нам пастга тушиб бутланишдан сақланади, гўнг тупроқнинг структурасини яхшилайди, зарарли тузларнинг экинга таъсирини анча камайтиради.

Колхозимиз ерларини текисламасдан туриб, экин экиш мўл ҳосил етиштиришнинг қийинлашувига сабаб бўлади. Чунки нотекис карталарда чигит бир меъёрда жойлашмайди, ғўза туплари сийрак бўлиб қолади. Нотекис далалардаги ғўза қатор ораларини трактор билан юмшатиш мураккаблашади, сув тупроққа текис тегмайди. Биз бунга йўл қўймаслик учун пахта майдонларини ҳайдаш олдидан ер текислагич машиналари билан яхшилаб текисланямиз, марралар йўқотилянти, бекорчи ариқлар кўмилаётир. Бундай механизмлар, бу машиналарни моҳирлик билан бошқара оладиган кадрлар колхозимизда бор.

Тарихий кунларни муносиб меҳнат совғаси билан нишонлаш — совет халқининг анъанасидир. Колхозимиз аъзолари ҳам ана шу мақсад билан яшамоқдалар ва ишламоқдалар. Пахтакорларимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 48 йиллигини, КПССнинг XXIII съездини қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва янги ғалабаларга эришиш билан кутиб олиш учун астойдил курашмоқдалар.

А. ҲАСАНОВ,
Самарқанд область, Хатирчи районидаги «КПСС XXII съезди» колхозининг бош агрономи.



Фарғона область Қироз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг механизатори Ҳаким Хўжамуродов КПСС XXIII съезди ва Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, алоҳида намуна кўрсатмоқда. У ўз машинаси бункеридан 100 тоннага яқин «оқ олтин» тўкди. Суратда: ўртоқ Ҳаким Хўжамуродов.

Г. Бойко фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ФАРҒОНА ЧОРВАДОРЛАРИ МАРРАГА ЕТИШДИ

Улуғ Октябрь байрами шарафига бошланган зарбдор вахта Фарғона чорвадорларига муваффақият келтирди. Давлатнинг жун сотиш ҳақидаги йиллик план — закази муддатидан олдин адо этилди. Тайёрлов пунктларига 7700 центнердан кўпроқ жун топширилди. Жун тайёрлаш давом этмоқда. (ЎзТАГ).

КАРВОНБОШИ

ДЕНОВ, («Совет Узбекистони» мухбиридан). Генерал Собир Раҳимов номли колхоз районда биринчи бўлиб маррага етди ва Сурхондарё областида энг юқори ҳосил олди. Бу хўжалик аъзолари 2600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача қарийб 39 центнердан хирмон кўтардилар. Давлат омборига 10 минг тоннага яқин «оқ олтин» етказиб берилди. Колхоз аъзолари мавсум охиригача гектаридан 42 центнердан пахта териб топширига ва ялпи ҳосилни 11 минг тоннадан оширишга ахд қилдилар.

Абдулазиз Холбоев, Мунаввара Маматқулова, Бозор Чориев, Ҳалима Азимова ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар майдондан давлатга 42,43 центнердан пахта сотдилар. Қишлоқ хўжалик артелидаги ҳамма пахтачилик бригадалари планни оширнб бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

Бу ерда машина терими плани ҳам ошириб бажарилди. Механик-ҳайдовчилардан Б. Турдиев, А. Алимардонов, Х. Файзуллаева ўртоқлар 100-130 тоннадан пахта тердилар. Ҳозиргача машиналар билан пландаги 2100 ўрнига 2500 тоннага яқин «оқ олтин» териб олинди. Машина терими шу кеча-кундузда ҳам жадал давом этяпти.

— Ўтган йили колхозимиз давлатга 9216 тонна пахта сотган эди,—дейди колхоз раиси Қурбон Едгоров. — Бу йил ҳосилдорлик гектар бошига 5 центнер оширилади, ялпи ҳосил эса 2 минг тонна кўпаяди.

А. ХАЛИЛОВ.

28 ОКТЯБРГАЧА
„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИ

Республикада пахта тайёрлашнинг бориши

(Планга нисбатан процент ҳисобида, биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан).

ТОШКЕНТ	0,05	109,66	0,03	111,98
ХОРАЗМ	0,56	109,19	0,33	80,92
САМАРҚАНД	0,50	103,17	0,15	73,82
СУРХОНДАРЁ	0,23	102,47	0,01	96,07
Фарғона	0,24	98,52	0,08	91,47
Қашқадарё	0,14	98,13	—	37,05
Қорақалпоғистон АССР	0,80	96,93	0,28	73,01
Андижон	0,18	94,67	0,09	80,10
Бухоро	0,43	93,91	—	27,46
Сирдарё	0,07	90,11	0,01	107,64
Ўзбекистон ССР бўйича:	0,29	98,74	0,09	85,84

Республикада 27 октябрь куни 10.283 тонна пахта тайёрланди.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ёзиладилар

Қашқадарё областидаги **ЯККАБОҒ РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Т. Чориев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳ. Файзиев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **М. Бекмуҳамедов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **С. Тўраев**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Н. Файзиев**).

Тошкент областидаги **ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **А. Алимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Р. Усмонов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **К. Азимов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Р. Собиров**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Н. Каниболоцкий**).

Қорақалпоғистон АССРдаги **ХЎЖАЙЛИ РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Д. Омраев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **С. Юсупова**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **С. Абдуҳолиқов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **И. Ураниёзов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **К. Камолов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **С. Худойберганов**).

Тошкент областидаги **БЕКОБОД РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **М. Нуъмонов**, раиси ижроия комитетининг раиси ўртоқ **П. Кушеров**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **А. Қозоқбоев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Қ. Жуманов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **А. Шаҳобоев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Волков**).

Фарғона областидаги **ЛЕНИНГРАД РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **У. Сатторов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Т. Исмоилов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Т. Маматқулов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **С. Аҳмадҳулов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Н. Абдувалиев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жамилов**).

Қорақалпоғистон АССРдаги **АМУДАРЁ РАЙОНИ** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **М. Раззоқов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ю. Файзуллаев**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Р. Жаноқов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **И. Исмоилов**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Е. Сарнев**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **А. Мадаминов**).

«Космос-94»

ТАСС АХБОРОТИ

1965 йил 28 октябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-94» учирилди.

Йўлдош ичига ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди:

— Бошланғич айланиш даври 89,3 минут;

— Ер сатҳидан максимал узоқлашуви — апогейида — 293 километр;

— Ер сатҳидан минимал узоқлашуви — перигейида — 211 километр;

— Орбитанинг оғиши — 65 градус;

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари: 19,996 мегагерц частотада ишловчи радиопередатчик;

Орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема приборлар билан илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координациялаш — ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

ШОНЛИ АВЛОД МАДҲИЯСИ

КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАНИГА 47 ЙИЛ ТЎЛДИ

Бугун шонли Ленин авлоди — комсомол ташкил топганига 47 йил тўлди. Бу кун бутун совет ёшларининг, ҳамма совет кишиларининг қувончли байрамидир. Революция бўронларида туғилган комсомол ҳамиша Коммунистик партиямизнинг содиқ, жанговар ёрдамчиси, коммунизмнинг актив қурувчиси бўлиб қолмоқда. Гражданлар уруши даврида у коммунистлар билан ёнма-ён туриб жанг қилди, тинч қурилиш йилларида ҳам ўз байроғини шон-шараф билан қоплади. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам мисли кўрилмаган қаҳрамонлик кўрсатди. Энди бўлса, совет ёшлари мамлакатимизда коммунизм қуриш учун курашда актив қатнашмоқдалар. Кексе авлодларнинг намунаси йигит, қизларни ҳамиша янги қаҳрамонликларга чорлайди. Ленин васиятларига содиқ совет ёшлари энг қийин участкаларда меҳнат қилмоқдалар. Йирик-йирик корхоналар, заводлар, гидроэлектростанцияларни қураётганлар ҳам, Ўз ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олаётганлар ҳам комсомоллардир. Ҳозир ёшларимиз КПСС Марказий Комитетининг март, сентябрь Пленумлари қарорларини оғишмай амалга оширишучун курашиш билан бирга, жонажон партиямизнинг бўлажак XXIII съездига муносиб совғалар тайёрламоқдалар. Ўзбекистон комсомоллари ҳам совет ёшларининг катта оилаасида меҳнатдаги, ўқишдаги муваффақиятлари билан коммунизм ишига ҳисса қўшмоқдалар. Улар «оқ олтин» фронтида ажойиб қаҳрамонлик кўрсатишмоқда. Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё областлари пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган эканлар, бунда шубҳасиз қалбислов комсомолларнинг ҳиссаси каттадир. Республикамизнинг бошқа область комсомоллари ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Пойтахтимиз ёшлари эса партиямиз XXIII съезди шарафига бошланган мусобақанинг биринчи сафларида бормоқдалар.

ВЛКСМнинг асосий вазифаси ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни коммунизм идеалларига содиқ қилиб етиштиришдан иборатдир. Ота-боболаримиз улуғвор традицияларининг толмас ворисларн бўлган совет йигит ва қизлари Ленин идеяларининг ғалабаси учун курашда янги-янги ютуқларни қўлга киритадилар.

Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви — ленинчи комсомол!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

ЗАРБДОР РАҚАМЛАР

⊙ Ленин комсомоли ўз тарихида 22 мингдан то 22 миллионга, яъни минг бараваригa ўсди. У ўз сафларига мамлакатимиз умумий аҳолисининг ўндан бир қисмини бирлаштирган.

⊙ Комсомолларнинг ярми халқ хўжалигида машғул. Комсомол сафида бир миллиондан ортиқ инженер, техник, агроном бор.

⊙ Ўзбекистон комсомол ёшлари уч йилдан бери Урта Осиёда энг йирик — Навоий химкомбинатини қурмоқда. Бу йил бу улкан корхонанинг биринчи навбати ишга туширилди, орадан кўп ўтмай янги қувватлар ҳам ишга тушириладн.

⊙ Агар комсомол ташкил этилган дастлабки йилларда ҳар 1000 ВЛКСМ аъзосидан 2 таси олий маълумотли бўлган бўлса, ҳозир ҳар икки комсомолнинг бири дипломга эга.

⊙ Амурдаги Комсомольск шаҳри қурилишини 950 кишилик ёш комсомоллар отряди бошлаган эди. Улар биринчи лар эди. Эндиликда эса ҳар йили мамлакатимиздаги янги қурилишларга қарийб 150 минг ташаббускор комсомол йўлланмаси билан борялти.

⊙ Комсомол биринчи марта 7 та домна печи қурилишини оталиққа олган бўлса, бу йил 125 муҳим корхона қурилиши комсомол зарбдор участкаси деб эълон қилинди.

Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва капитал маблағларнинг самарасини оширингиз, асосий ишлаб чиқариш фондларидан тўлиқроқ фойдаланингиз, янги қувватларни тезроқ ўзлаштиринг!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

КПСС МК СЕНТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ҚУРИЛИШ СИФАТИНИ ТЕКШИРАМИЗ!

Республикамиз пойтахтида қурилиш ҳажми кун сайин ортиб, қурилиш муддати қисқармоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда янги-янги бинолар қад кўтармоқда.

Янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилмоқда. Хўш, қурилиш сифати қандай? Қурилиш сифатини қайси йўл билан текшириш яхши самара беради? Тажриба шуни кўрсатадики, қурилиш сифатини кенг жамоатчилик иштирокида текшириш энг мақбул усулдир. Шунинг сифат ойлиги уюштирилди. Қурилиш сифатини текшириш ойлиги 15 октябрдан 15 ноябргача давом этади.

Бу ойлик Тошкент шаҳар партия комитети, Ўзбекистон ССР Госстройи, республика Қурилиш министрлиги, шаҳар комсомол комитети, республика қурилиш индустрияси илмий-техника жамияти ва Ўзбекистон бинокорлик ва қурилиш материаллари саноати ишчилари касаба союзи томонидан ўтказилмоқда.

Қурилиш сифатини текшириш кўригида шаҳар ва район ижроия комитети ходимлари, инженер ва техникларнинг катта отряди, қурилиш сифатини текширувчи жамоатчи инспектор ва контролёрлар ҳамда илғор бинокорлар иштирок этадилар.

Қурилиш сифати кўригини ўтказиш учун махсус штаб тузилди.

М. СУЛТОНОВ,
бинокор-инженер.

ХАРИДОР ТАЛАБИ

Тошкентдаги «Қизил тонг» фирмасининг маркаси босилган кийим-кечакларни Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда ҳам кўплаб учратасиз. Айниқса кейинги вақтларда фирмада тикиб чиқарилган кийим-кечаклар кўпчиликка манзур бўлиб қолди. Бунга иқтисодий манфаатдорлик усулларидан иқтисодий равишда фойдаланилганлиги, планлаштиришнинг такомиллаштирилганлиги натижасида эришилмоқда. Тўрт ойдирки, корхона савдо ташкилотлари ва Тошкент шаҳридаги магазинлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатди.

Илгари планни бажариш учун ҳамма восита-лар сафарбар қилинар эди-ю, моддий манфаатдорлик ва харидорларнинг эҳтиёжлари унча инобатга олинмасди. Бир неча йиллар давомида бир хилдаги ва фасондаги кийимлар тайёрланиб келди. Масалан, йил бўйи пальто тикилади. Харидорлар уни кўплаб олишяптими, магазинларда тўпланиб қоляптими, бошқа фасондагиларга эҳтиёж сезиляптими — бу билан корхонадагиларнинг иши бўлмасди. Сирасини айтганда, планни бажарсак бўлди-да, деб ўйлашарди. Оқибатда кўпгина фасонлар эскириб қолди, бундай кийимларни олувчилар жуда камайиб кетди. Савдо тармоқларида ўтмаган товарлар корхонага қайтариб топширила бошлади. Омборлар тўлгач, корхона раҳбарлари нима ҳам қилишарди — ўтмас матох бўлиб қолган буюмларнинг нархини арзонлаштиришди. Бундан фирма зарар кўрди. Шундай йўл билан ўтган йили бу корхона 82 минг сўмни «йўқотди».

Ҳаёт бу таҳлитда ишлаб бўлмаслигини кўрсатиб берди. Планлаштиришни ўзгартириш зарур бўлиб қолди. Тайёрланган маҳсулотни тезроқ сотиш тадбирларини кўриш керак эди. Бир гуруҳ экономистлар ва инженер-техник ходимлар мамлакатимизнинг илғор корхоналарида ишнинг қандай ташкил қилинаётганлиги билан танишиб келишди. Москвадаги «Большевичка» ва Горький шаҳридаги «Маяк» тикув фирмаларининг тутаётган йўллари тошкентликларга маъқул бўлиб тушди. Уларнинг тажрибаларини синчиклаб ўрганиш натижасида магазинлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб ишлаш усулига кўчишди.


Ҳозирги вақтда корхона Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган магазинлар — Тошкент универмаги ва Чилонзордаги савдо маркази каби 22 ташкилот билан шартнома тузиб ишламоқда. Шартнома асосида ишлаш кўпгина иш жараёнларини ва бошқарув усулларини ўзгартиришни тақозо қилди. Бир қатор ташкилий ишлар ҳам амалга оширилди. Сотиладиган кийимлар кўргазмаси уюштирилди, харидорларнинг конференциялари чақирилди. Магазин прилавкалари ёнида сотувчи билан биргаликда цех бошлиқлари, моделчилар, технологлар, конструкторлар ҳам ишладилар. Улар аҳолининг қандай кийим-кечакларга кўпроқ эҳтиёж сезаётганликларини ўргандилар.

Бир қатор маҳсулотларнинг турлари кўпайтирилди. Айрим кийимларнинг газламасини бошқа материалдан тайёрлаш йўлга қўйилди. Харидорнинг кўнглини ранжитмаслик, арзон, пишиқ, чидамли, кўркам кийимлар етказиб бериш учун зарур бўлган бошқа ташкилий-техникавий тадбирлар ҳам кўрилди. Конструкторлардан Р. Ефанов хотин-қизлар пальтосининг янги моделини ишлаб чиқаришга жорий этди. Е. Вейтенко сўкно-жун газламаларнинг алоҳида бир хилидан пальто тикишни йўлга қўйди. Эркаклар ва хотин-қизларнинг сунъий чармдан тикилган пальтоларини тикиш ҳам ўзлаштирилди. Бу ишларнинг ҳаммасини кадрлар ҳал қилиши ҳаммага аён. 200 дан ортиқ тикувчилар махсус курсларда ўқитилди. 26 мастер ўз малакасини оширди. Кўпгина ишчилар 5-6 операцияни адо этишни ўрганиб олишди.

Шу кеча-кундузда корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар омборларда, магазинларда тўпланиб қолаётгани йўқ. Чунки, корхона аҳолининг қандай кийим-кечакларни кўпроқ олишини ҳисобга олиб, маҳсулот тайёрлаб чиқараётир. Сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Тўққиз ойлик план орттириб бажарилди. Фирма маркаси босилган товарларнинг сифатсизлиги ҳақида шикоятлар кетмай қўйди. Унинг ўрнига «Қўлингиз дард кўрмасин», «Пальто бўлса шундай бўлса-да», «Сизга муваффақиятлар тилаймиз, тикувчи ўртоқлар» мазмунидаги қувонч тўла мактублар тез-тез келадиган бўлиб қолди.

Чеварлар КПСС XXIII съезди шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар олишди. Съезд очиладиган кунгача маҳсулотларнинг бир қатор янги турларини ишлаб чиқарини йўлга қўйилади. Анчагина машина-ускуналар ўрнатилади, иш жараёнларини механизациялаш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинади. Аветова, Омильяненко, Смирнова ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрлаб, Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги байрамига совғалар ҳозирлашмоқда.

В. КОПИТОВА.



Тошкент ГРЭСининг бинокорлари Улуғ Октябрнинг 48 йиллиги байрамини меҳнат зафарлари билан нишонлайдилар. 7 ноябргача электростанциянинг 4-турбогенератори ишга тушириладилар. Суратда: ГРЭС нинг умумий кўриниши.

В. Сироткин фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Тошкентдаги маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари депутатларининг сессияларда баён қилган танқидий мулоҳазаларини ва таклифларини амалга ошириш соҳасида қандай иш олиб бормоқдалар? Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 27 октябрда бўлиб ўтган мажлисида шу масала муҳокама қилинди.

Шаҳар ижроия комитети, шунингдек Киров, Чилонзор ва Ленин район ижроия комитетлари депутатларининг танқидий мулоҳазалари ва таклифларини умумлаштириб, шу мулоҳазалар ва таклифлардан ҳар қайсисини амалга ошириш муддатларини белгилаб қўймоқдалар. Депутатларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифларига мувофиқ, шаҳарни ободонлаштириш ва унинг санитария ҳолатини яхшилаш, аҳолига медицина, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тадбирлари ўтказилди.

Депутатларнинг таклифларига биноан, Киров районида ремонтдан чиқарилган уйларни қабул қилиб олиш устидан контроль кучайтирилди. Куйбишев районида балогатга етмаган ўсмирларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг иши жонлантириб юборилди, райижроком раҳбарларининг дам олиш кунларида ҳамда йирик саноат корхоналари, маҳаллалар ва уй бошқармаларида гражданларни қабул қилиши йўлга қўйилди. Чилонзор район ижроия комитети депутатларининг танқидий мулоҳазаларини амалга ошириб, жамоатчиликни районни ободонлаштиришга қатнашишга кенгроқ жалб қила бошлади, маҳалла комиссиялари билан жуда яқин ҳамкорликда ишлаётган депутатларнинг группаларига амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, Олий Совет Президиуми айрим район ижроия комитетлари депутатларининг мулоҳазалари ва таклифларини ўз вақтида умумлаштирмаётганини, шу мулоҳаза ва таклифларнинг бажарилишини дуруст контроль қилмаётганини кўрсатиб ўтди. Қабул қилинган қарорда ана шу камчиликларни тугатиш чоралари белгиланди.

Республика шаҳарлари, район марказлари ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларида ободонлик ва санитария тартиби ўрнатиш соҳасидаги ишлар қандай бораётганлиги ҳақидаги масала ҳам мажлисда кўриб чиқилди. Шу масалани муҳокама қилишда республика министрликлари ва идораларининг, маҳаллий Советларнинг вакиллари қатнашдилар. Санитария маданиятини янада оширишга, ҳар бир шаҳар, район маркази, қишлоқда намунали ободонлик ўрнатиш учун курашга жамоатчиликни кенг жалб қилишга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг шаҳарлар, район марказлари, шаҳар типидаги посёлкалар ва аҳоли яшайдиган бошқа пунктларда қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишларини яхшилаш ҳусусидаги қарори қандай бажарилаётгани тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. (ЎзТАГ).

ПРОПАГАНДИСТЛАР СЕМИНАРИ

Бухоро область партия комитети пропагандистларининг бир ҳафталик семинарини ўтказди. Семинарга тўпланган 250 пропагандист тарих фанлари кандидати С. Қурбоновнинг «КПСС тарихининг қисқача курси», тарих фанлари кандидати С. Жиянхўжаевнинг «Коммунистик партия Улуғ Октябрь социалистик революциясининг илҳомчиси ва ташкилотчиси», область лекторлар группасининг раҳбари С. Тачкининг «Партия ички демократияси» ҳақидаги докладларини тингладилар.

Бухоронинг барча шаҳар ва районларидан тўпланган пропагандистлар билан область партия комитетининг секретари Ўртоқ У. Камолов «Партия қувванинг характери ва пропагандистларнинг вазифалари» деган темада қизиқарли суҳбат ўтказди.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Хатларингизга жавоб белгиланди

БЕПАРВОЛИК

Гурлан районидаги Алишер Навоий номли колхоз экономикаси йил сайин мустаҳкамланяпти, бўлинмас фондлари маблағ ортиб боряпти. Бу кўплаб жамоат бинолари қуриш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш имкониятини бераётир. Бироқ, колхоз раҳбарларининг бепарволиги туфайли маданий-маиший хизмат кўрсатишда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётир. Масалан, кўп ўринли клуб биноси ремонт қилинмаган, деворлари нураб, қулаб кетган. Бу ерда кинофильмлар намойиш қилинмайди, бадиий ҳаваскорлик тўгараги концерт кўрсатмайди. Медицина пунктида телефон йўқ. Радиоузел бор-у, радио карнайлардан овоз чиқмайди. Ҳонадонлардаги радио точкалар узоқ вақтдан буён ишламайди. Колхоз правленеси ва партия ташкилоти ана шу камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаётир. Колхозчилар редакцияга йўллаган хатда ана шу фикрлар баён этилган эди.

Редакция хатни Гурлан район партия комитетига юбориб, ўртага қўйилган масалаларни ҳал этишни илтимос қилди. Олинган жавоб хатида қуйидагилар айтилади.

Ўтказилган текшириш меҳнатчилар жуда тўғри масалани кўтарганликларини кўрсатди. Колхозда кўп ўринли янги клуб биноси қуриш планлаштирилди. Кинофильмлар намойиш қилишга махсус жойлар мослаштирилди. Радиоузелнинг ишини яхшилаш чоралари кўрилди. Радио точкалар ремонт қилинди. Медицина пункти электрлаштирилди, телефон хизмати кўрсатиш яхшиланди.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТИНИНГ ЮКСАК ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧИ

ПРАВДА

Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ҳаётида ҳозирги вақтда муҳим ҳодисалар рўй бермоқда. Социализм мамлакатлари ўз иқтисодий системасининг тағин ҳам кўпроқ самарали бўлишига, социализм ва коммунизм йўлида тағин ҳам тезроқ олға боришга эришиш мақсадини кўзлаб, хўжаликни бошқаришни такомиллаштиришга катта эътибор бермоқдалар. Буни социалистик мамлакатларнинг халқлари бутун дунё меҳнаткашлари олдида ўзларининг энг биринчи интернационал бурчларининг бажарилиши деб билмоқдалар.

Капитализмдан коммунизмга ўтиш давримизнинг асосий мазмунидир. Давримизнинг характери ҳозирги замондаги революцион ҳаракатнинг барча отрядлари зиммасидаги интернационал бурчларини белгилаб бермоқда. Капитализмни тугатиш ҳамда социалистик ва коммунистик жамият қуришни таъминлашдан иборат буюк мақсадга эришмоқ учун социалистик давлатларнинг халқлари, капиталистик мамлакатлардаги, ёш миллий давлатлардаги ва мустамлакачиликдан озод бўлишга эришаётган мамлакатлардаги меҳнаткашлар ёнма-ён туриб курашмоқдалар.

Бу жангда революцион ҳаракатнинг асосий отрядларидан ҳар қайсиси қураш шароитидаги тафовутлар сабабли, аввало фақат ўзига хос бўлган вазифани ҳал қилади. Социалистик мамлакатларда шу мамлакатларнинг бутун дунёдаги халқ оммасидан революцион маданд олаётган меҳнаткашларининг ўзигина социализм ва коммунизм қуришлари мумкин. Асосий капиталистик мамлакатларда буржуазиянинг ҳукмронлигини фақат шу мамлакатларнинг меҳнаткашлари тугатишлари мумкин, лекин бунда бу бошқа барча революцион кучларнинг уларга актив ёрдам бериб туришлари ҳам керак. Ёш миллий давлатлардаги халқларнинг аввало ўзлари шу мамлакатларда эски ва янги мустамлакачиликнинг ҳамма формаларини тугатишлари, шу ёш миллий давлатларнинг экономикасини ва маданиятини кўтаришлари мумкин. Бу курашда улар революцион ҳаракатнинг бошқа отрядларидан мақсад олмоқдалар. Ҳар бир революцион отряднинг юксак интернационал бурчи шундан иборатки, у, империализмга қарши, тинчлик ва демократия учун, миллий озодлик учун, социализм ва коммунизм учун ялпи курашда ўз зиммасига тушаётган вазифаларни ўзининг участкасида муваффақиятли равишда ҳал этиши ва айни вақтда бошқа отрядларга бутун чоралар билан ёрдам кўрсатиб туриши лозим. Революцион ҳаракатнинг ҳеч бир отряди революцион кучларнинг бошқа отрядларига зарур ёрдам кўрсатмай, ўз миллий қобиғида чекланиб ва яккаланиб қолиши мумкин эмас.

Социалистик давлатларга келганда, шу нарса аниқ ва равшандирки, улар мамлакат ичида ва ташқарисида ўтказаётган снёсталари социалистик дунё доирасидан ташқарида империализмга қарши курашувчиларга ёрдам бераётирми ёки, аксинча, зарар бераётирми эканлигини ҳисобга олмай туриб, шу снёсатни ўтказишлари мумкин эмас. «Биз, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — ... миллий маҳдудликка қарши кишиларміз. Биз — халқаро кишиларміз, интернационалистларміз».

Айни вақтда социалистик мамлакатлар революцион вазифаларни ҳал қилишда озодлик курашининг бошқа отрядлари қиладиган ишни қила олмайдилар. Улар, миллий озодлик ҳаракатининг вазифаларини ҳал этишда ёш миллий давлатларнинг халқлари зиммасидаги вазифани бажариб беришлари, шунингдек капитализмни агдариш учун курашда капиталистик мамлакатлар ишчилар синфининг ва меҳнаткашларининг зиммасидаги вазифани ҳам бажаришлари мумкин эмас. Бундай қилиш ўз иродасини бошқа халқларга зўрлаб қабул қилдириш бўлур эди, бу эса марксизм-ленинизмнинг моҳиятига ёт бир нарсадир. Бунга илова қилиб шуни айтмоқ керакки, бундай ҳаракатлар жаҳон тўморидро урушини бошлаб юборишга олиб келган бўлур эдики, бу уруш ҳамма халқлар учун жуда ёмон оғир оқибатлар келтириши турган гап. Бундай қилиш социалистик мамлакатларнинг бутун дунё меҳнаткашлари олдида ўзларининг интернационал бурчларини бажармаслик бўлур, бошқа мамлакатларнинг халқларини социал ва миллий озод қилиш ишига, бутун жаҳон революцион жараёнига тузатиб бўлмайдиган зарар етказиш бўлур эди.

Социалистик мамлакатларнинг халқлари ўз мамлакатларида социализм ва коммунизм қуришни озодлик курашининг бошқа отрядларига бериладиган ёрдамни ўпайтиришнинг ҳамда жаҳон революцион ҳаракатининг ривожланишига ўзларининг асосий ҳиссаларини қўшишининг ҳал қилувчи шарти, деб билиб, бу қурилишга ўзларининг асосий куч ва ғайратларини сарфламоқдалар.

Ишчилар синфи ҳокимиятни қўлга олаётган мамлакатнинг миллий вазифалари билан интернационал вазифаларини мақсадга энг мувофиқ равишда қўшиб олиб бориш масаласи янги масала эмас. Октябрь революциясининг галабасидан кейин дарҳол бу масала бизнинг партиямиз олдида пайдо бўлган эди. «Сўл коммунистлар», сўнгра эса троцкийчилар мамлакатимизда социализм қуришни совет халқининг интернационал бурчи деб билмай, балки жаҳон капитализмига қарши «революцион уруш» деган ном остида уруш бошлашни совет халқининг интернационал бурчи, деб билдилар. Ленин Коммунистик партия бу ҳалокатли планни рад қилди. Ленин қайта-қайта уқтириб айтдики, 1917 йилнинг октябридан бери Совет социалистик республикаси жаҳон революцион курашининг энг асосий галабаси бўлиб қолди. Уни душманлардан ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш ва бутун чоралар билан ривожлантириш — ҳар бир чинакам революционернинг биринчи ва асосий бурчидир. Табиийдирки, эндиликда бу вазифа ҳозирги замондаги революцион, озодлик ҳаракатининг асосий таянчи бўлган бутун жаҳон социалистик системасига тааллуқли вазифа бўлиб қолди.

Социализм мамлакатларининг ҳаммаси ҳам бир хилда ривожланмаслиги табиий ҳол. Империалистик давлатлар ўз мустамлакаларининг кўпчилигида снёсий ҳукмронлик қилишдан гарчи маҳрум бўлиб қолган бўлсалар ҳам, аммо, мазкур собиқ мустамлакаларнинг иқтисодий колонлиги сабабли, уларни шафқатсиз эксплуатация қилишни давом эттирмоқдалар. Империалистик давлатларнинг ҳарбий қуввати ўз эмас, улар бу ҳарбий қувватдан прогрессив кучларга қарши, аввало, социалистик мамлакатларга ва халқларнинг миллий озодлик курашига қарши фойдаланмоқдалар. Ниҳоят, империализм капитал мамлакатлардаги халқ оммасининг анчагина қисмини ўз идеологиясига асир қилиб ушлаб турибди.

Мана шунинг ўзидан равшан кўринки турибдики, лаънатлар айтишнинг ўзи билангина капитализмни йўқотиб бўлмайди, гапларнинг ўзи билангина, — ҳатто энг революцион гапларни айтиш билангина, — оммани социализм томонига ўтказиб бўлмайди, капиталга қарши актив курашчилар армиясини вужудга келтириб бўлмайди.

Революцион ҳаракатнинг ҳамма отрядлари ўзларининг куч ва ғайратларини тинмай активлаштира беришлари, шу отрядларнинг ҳар қайсиси умумий душманга қарши — империализмга қарши курашда ўзининг ҳамма имкониятларидан фойдаланиши, шу отрядларнинг ҳаммаси ялпи курашда жипс бўлиб бирлашмоғи зарур. Реал муваффақиятларга эришмоқ учун эса империализмга қарши курашаётган ҳар бир отряд ўз кучларини, ўз қудратини тўхтовсиз кўпайтира бериши зарур.

Ижтимоий турмушнинг ҳал қилувчи соҳасида — моддий ишлаб чиқариш соҳасида капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетмоқ учун социалистик мамлакатлар ўз экономикасини энг кўп даражада тезлаштиришлари шу мамлакатлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Шундай қилиш билан социалистик мамлакатлар ўзларининг мудофаа қобилиятларини мустаҳкамлаш учун ҳам, шунингдек империализм кучларини қисиб қўйиш учун, конгрессиянинг экспорт қилинишига йўл қўймаслик учун ҳам реал имкониятларни вужудга келтирадилар. Мана шунинг ўзи социализмнинг капитализмдан устунлигини кўрсатувчи яққол намуна ва энг мустаҳкам далил ҳам бўлади.

Социалистик мамлакатлар социализм ва коммунизм қуриш билан жаҳон озодлик ҳаракатига энг катта ва ҳал қилувчи ҳисса қўшмоқдалар. Бу нарса уларнинг ҳозирги замон революцион курашига сақлаб туриш учун фойдаланмоқдаги авангардлик ролини белгилаб бермоқда.

Маълумки, илгари жаҳон революцион ҳаракатининг маркази бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга ўтаверар эди. Турли мамлакатларда революцион тўлқин кўтарилиш, сўнгра эса пасайиш: Англияда чартизмнинг кўтарилиши ва пасайиши, Францияда 1848 йилги революция, сўнгра эса Германиядаги 1848 йилги революция ҳам, Париж Коммунасининг талабаси ва мағлубияти сабабли жаҳон революцион ҳаракатининг маркази мана шундай ўзгариб турган эди.

Асримизнинг бошида жаҳон озодлик ҳаракатининг авангарди бўлиб қолган Россияда буржуа демократик революциягина эмас, шу билан бирга, социалистик революция ҳам галаба қозонди ва социализм қурилди. Шу туфайли бизнинг мамлакатимиз жаҳон революцион ҳаракатининг барқарор маркази бўлиб қолди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа ва Осиёнинг бошқа бир қанча мамлакатларида социалистик революциялар галаба қозонди, шу мамлакатлар Совет Иттифоқи билан бирга қудратли социалистик лагерни вужудга келтирдилар. Сўнгра, социалистик революция Кубада галаба қозонди. Эндиликда социалистик лагерь жаҳон революцион ҳаракатининг маркази бўлиб турибди.

Жаҳон революцион ҳаракатининг маркази, деган тушунча социал тушунчадир. Ҳозирги вақтда жаҳон революцион ҳаракатининг маркази энг юксак ижтимоий-иқтисодий формация бўлган социализм ва коммунизм қураётган турли қитъалар, турли миллатлар ва ирқларга мансуб халқларни ўз ичига олади.

Социалистик мамлакатлар революцион ҳаракатнинг маркази бўлиб қолдилар, империализм дунёси билан социалистик мамлакатлар ўртасидаги зиддият ҳозирги замонининг асосий зиддиятидир, деб айтиш билан биз миллий озодлик ҳаракатининг ва капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашлар курашининг ҳозирги замон революцион жараёнидаги жуда катта аҳамиятини асло камситаётганимиз йўқ. Бу билан биз революцион ҳаракат марказини ҳозирги замонининг энг юксак социал тузуми билан боғлаб, объектив мавжуд фактни қайд қилмоқдамиз, холос. Бу нарса айни вақтда яна шуни ҳам кўрсатиб турибдики, социалистик мамлакатлар зиммасига тарих томонидан юкланган буюк масъулиятдан биз ўзимизни четга олаётганимиз йўқ, жаҳон озодлик курашида ҳал қилувчи тарзда иштирок қилишдаги ўз улушимизни бошқалар устига юклаб қўяётганимиз йўқ.

Жаҳон революцион ҳаракатининг маркази тўғрисидаги, ҳозирги замоннинг асосий зиддияти тўғрисидаги масала жуда катта тарихий аҳамиятга эга масаладир. Бу масала абстракт мулоҳазалар юритиш билан ҳал қилинмайди, балки реал фактларни анализ қилиш билан ҳал этилади. Бу фактларнинг қандайлиги эса очиқ кўриниб турибди.

Империализмга қарши курашнинг асосий юкини ким кўтариб боряпти, унинг асосий кучларини ким қисиб турибди? Бу ишни социалистик мамлакатлар, биринчи навбатда, улар орасида энг кучли бўлган Совет Иттифоқи қилмоқда.

Империалистларнинг ўзлари капиталистик тузум учун энг катта хавф-хатар келаётганлигини яхши биладилар. Улар Совет Иттифоқининг коммунизм қуришидаги муваффақиятларидан ҳаммадан кўра кўпроқ кўрқмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар ўзларининг душманлик ҳаракатларини, аввало, СССРга қарши йўлламоқдалар.

Социалистик мамлакатлар ўзларининг интернационал бурчларини ҳар қайсиси ўз участкасида бажара бориб, империализмга қарши кураш олиб бормоқда, бутун социалистик ҳамдўстликнинг, бутун прогрессив инсониятнинг муштарак ишини ҳимоя қилмоқда. Масалан, Германия Демократик Республикаси Ғарбий Германия реваншизмига қарши курашнинг олдинги сафида турибди. Куба Ғарбий ярим шарда Америка империализмига қарши кураш олиб бормоқда; Вьетнам Демократик Республикаси АҚШ ҳарбий машинасининг агрессив ҳужумларини қаҳрамонларча қайтариб турибди. Социализмнинг бошқа мамлакатлари ҳам империализмга қарши ялпи курашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар империализмга қарши изчил кураш олиб бораётганликлари билан революцион ҳаракатнинг бошқа ҳамма отрядлари қилаётган ишларга енгилмас туғдирмоқдалар. Лекин социалистик мамлакатларнинг революцион курашда иштирок қилаётганлиги фақат шундангина иборат эмас. Масалан, кейинги ўн йил ичида социалистик мамлакатлар ва, аввало, Совет Иттифоқи маънавий, иқтисодий, ҳарбий ёрдам кўрсатмаган ҳолда бирорта катта революцион ҳаракатни тилга олиш мумкинми? Социалистик мамлакатлар ана шундай ёрдам кўрсатмаган революцион ҳаракатлар йўқ.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРДА

КУН ТАРТИБИДА ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

Кишиларни коммунистик рухда тарбиялаш маҳаллий Советларнинг ҳам биринчи галдаги вазифасидир. Буни яхши англаган Тошкент шаҳар Киров район Советининг ижроия комитети яқинда бўлиб ўтган сессия муҳокамасига балоғатга етмаган ёшларни тўғри тарбиялаш, кишиларни ижтимоий фойдали меҳнатга тортиш масаласини қўйди. Депутатлар ва кенг активлар бу теманинг кун тартибига киритилганлигини маъқуладилар. Нотиқлар райондаги маиатбларда ҳамда боқчаларда барча қулайликлар яратилганлиги сабабли, ўқув-тарбия ишлари яхшиланганлигини айтдилар. Шунингдек, ёшларни тарбиялашда оила ва мактабнинг алоқасини янада мустаҳкамлаш зарурлиги кўрсатилди.

М. МИРСАИДОВ.

ҚИШ ТАРАДДУДИ

Ҳадемай қиш бошланади. Ғаниматкунлардан фойдаланиб, корхона ва турар-жой биноларини қишки мавсумга тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Чилонзор район ижроия комитети бу масалага алоҳида аҳамият бермоқда.

Райондаги 871 та турар-жой биноси бор. Саноат ва қурилиш корхоналари ишлаб турибди. Уларда қишга тайёргарлик ишлари қандай? Депутатлар активлар билан буни текшириб чиқдилар.

Кўпчилик корхона ва уй-жой биноларини қишга тайёрлаш асосан қониқарли бораяпти. Лекин айрим корхоналарнинг ишлари сифатсиз, қониқарсиз. Жумладан, 153-қурилиш трестининг бу соҳада олиб бораётган ишларида кўпгина камчиликлар мавжуд. Трест қураётган йирик панелли уйларнинг томлари ёмон ёпилганидан чакка ўтяпти.

Текшириш натижалари Тошкент шаҳар, Чилонзор район Советининг IV сессиясида муҳокама қилиниб, мавжуд камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Э. ТУЛАГАНОВ.

КАТТА ТАЯНЧ

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумида саноатга раҳбарликни такомиллаштиришда маҳаллий Советларда катта имкониятлар борлиги таъкидлаб ўтилди. Улар кенг жамоатчи активларга таяниб корхоналарда, қурилишларда тез-тез бўлишлари, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга яқиндан ёрдам беришлари мумкин. Буни пойтахтнинг Октябрь район ижроия комитети фаолиятида кўриш мумкин. Ижрокомда саноат ва транспорт ишлари бўйича штатсиз бўлим тузилди. Бўлим яқинда молия ва бюджет ишлари бўйича доимий комиссия аъзолари билан ҳамкорликда корхоналарда бюджетнинг бажарилишини текшириб, ўрганиб чиқдилар. Текшириш натижалари корхона вакиллари иштирокида ижроком мажлисида муҳокама қилинди. Район бюджетининг бажарилишига тўғоноқ бўлаётган кровать, хўжалик буюмлари, чинни идишлар заводларидаги камчиликлар очиб ташланди. Бу соҳадаги камчиликларни тугатиш чоралари белгиланди.

Р. ОХУНЖОНОВА.

ОБУНА ИШИГА ҲИССА ҚЎШИНГ

ЖОНКУЯР

Почтальон Шарофиддин Эгамбердиев ва Турсунхўжа Холхўжаевларнинг хизматидан колхозчилар мамнун. Улар газета-журналларни ўз вақтида эгаларига етказиб бериш билан бирга 1966 йил учун обуна тарқатишда ҳам жонбозлик кўрсатяптилар. Бу ишчан почтальонлар Калинин номли колхоз хонадонларида бўлишиб, колхозчиларни марказий ва республика газеталари ҳамда «Ўзбекистон хотин-қизлари», «Фан ва турмуш» журналларига обуна қилмоқдалар.

«Союзпечать» Андижон рай. он агентлиги ва алоқа бўлимида бундай илғор почтальонлар кўплаб топилади.

А. Мамадалиев.

ИЛҒОР ОБУНАЧИ

— Раҳматилло, ҳўв Раҳматилло!

Газета-журнал ва хатларни эгаларига тарқатиб юрган почтальон Раҳматилло Неъматуллаев ўгирилиб қараган эди, ўртоқ Т. Каримовга кўзи тушди.

— Лаббай, менда ишингиз бормиди?!

— Ҳа, янги йил газета-журналларига обуна бўлмоқчи эдим,— дейди почтальон билан кўриша туриб ўртоқ Т. Каримов.

— Ундай бўлса жуда яхши, хозирнинг ўзидаёқ ёзишим мумкин, — деди ва сумкасидан обуна варақасини олди. Ўртоқ Каримов, эсимда бор, ўтган йили ҳам савдо ходимлари ичида сиз биринчи бўлиб обуна бўлган эдингиз,— деди ёзишга тутинар экан почтальон.

— Ҳисоблангчи, ҳаммаси неча сўм бўлди?

— 29 сўм 33 тийин берсангиз бўлади.

Шеробод район Бойсун матлубот жамияти ишчи-хизматчилари ва барча савдо ходимлари янги йил газета-журналларига обуна бўлишга уюшқоқлик билан киришиб, алоҳида намуна кўрсатмоқдалар. Матлуботчилар қисқа вақт ичида 683 сўмлик газета-журналларга обуна бўлдилар. Обуна бўлишнинг нети узилгани йўқ.

Н. Муродов.

ОТА ҲИММАТИ

Сергей Николаевич Гомозов 70 ёшга қадам қўйди. У қирқ йиллик умрини алоқа бўлимида ўтказди. Айни вақтда пенсионер. Сергей Николаевич «мен пенсионерман» деб қараб турмайди. Алоқа бўлимига тез-тез келиб, қайси бир иш бўлмасин кучи етгунча ёрдам беради. Ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашади. У яқинда район «Союзпечать» обуна тарқатиш бўлимига келиб:

— Салом, болаларим, ишларинг, соғлиқларинг яхшими? 1966 йил учун обуна ишлари қандай кетяпти? Бу ишга мен ҳам ёрдам берсам дедим,— деди ҳамкасбларига кексаларга хос мулойимлик билан.

Шу-шу бўлди-ю, Сергей Николаевич ишга киришиб кетди. У жойларга бориб обуначилар билан суҳбатлашиб, ҳар бир хонадонни газета-журналларга обуна бўлишга даъват этмоқда, обуна қилмоқда. Шу билан бир вақтда ёш обуна тарқатувчиларга ўз иш тажрибасини ўргатяпти ҳам.

Ҳ. Бозоров,
Ромитан района.

* * *

Тошкентлик Ҳ. Содиқов, К. Мусомуродов, каттақўрғонлик И. Одилов, ғаллаороллик М. Шоназаров, поплик И. Омонов, қўрғонтепалик К. Имомхўжаев ва солдат У. Бадалов ўртоқлар ҳам редакцияга хат йўллаб, жойларда 1966 йил учун газета-журналларга обуна бўлиш яхши олиб борилаётганини билдиришган.

ЧОРВАДОРЛАР ҲИССАСИ

Шовот ва Янгиариқ районларининг чорвадорлари Хоразмда биринчи бўлиб давлатга гўшт сотиш йиллик планини бажардилар. Ўтган йилнинг шу давридагига қарағанда 420 центнер кўп гўшт сотилди. Хоразм областидаги Хива, Ҳазорасп ва Урганч районларининг колхозлари гўшт тайёрлаш топшириғини бажариш арафасида турибдилар.

●

Энг кўп жун етиштириб берувчи Фориш районининг чорвадорлари давлат йиллик планини муддатидан олдин бажариб, байрам олди зарбдор вахтасида катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар тайёрлов пунктларига 9,6 минг центнер жун топширдилар. Бу ҳом ашёдан Тошкент сингари шаҳарнинг бутун аҳолисига яхши костюм тикишга етарли газлама тўқиш мумкин. «Чимқўрғон» ва Тимирязев номли совхозлар пландан ташқари анчагина маҳсулот бердилар.

Фориш механизаторлари яна 30 центнер жун сотиш мажбуриятини олдилар.

●

Шовот районининг чорвадорлари давлатга сут сотиш планини бажариб, 1965 йилги маррага етиб олдилар. Урганч сут-сариёс заводига 1690 тонна—ўтган йилнинг шу давридагидан 3320 центнер кўп маҳсулот элтиб берилди. «Комсомол» колхозининг сут согувчиси Қурбонжон Душамова билан Жумагул Раҳимовалар ҳар бир сиғирдан 2500-2600 килограмм сут согиб олдилар.

СОВҒА

ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИДАН

□ □

Катта байрамга муносиб тўёна тайёрлаш мақсадида астойдил меҳнат қилаётган меҳрибон ўқитувчилар, мириштор студентлар, ўт-юрак комсомоллар, илм хазинасидан дур тўплаётган ўқувчилар ҳақида редакциямизга кўплаб хатлар келиб туради.

Хоразмлик газетхон Р. Ҳайитбоев ўз хатида В. И. Ленин номидаги Хоразм Давлат педагогика институти студентларининг пахтазорда жавлон уришаётгани ҳақида ҳикоя қилади. Институтнинг минтақа яқин студенти Янгиариқ районидаги «Коммуна», «Коммунизм», «Правда», Чапаев номли, Оҳунбобоев номли колхозларда пахтакорларга яқиндан ёрдамлашишяпти. Теримнинг дастлабки даврида ёқ тарих-география факультети билан бошланғич таълим методикаси факультети студентлари социалистик мусобақа бошлашган эди. Хозирча қўчма Қизил байроқ бошланғич таълим методикаси факультетининг студентларида. М. Машарипова, О. Султонов, Ж. Камолов, Б. Холматов каби студентлар ҳар куни хирмонга 130-190 килограммдан «оқ олтин» тўкиб, барчага ўрнак бўлишяпти.

Ўртоқ Ю. Абдуалимов ўз хабарига «Ўқитувчилар ҳиссаси» деб сарлавҳа қўйган. Гулистон район ҳалқ маорифи ходимлари яхши ташаббус бошладилар. Пиғим-терим даврида пахтакорларга кўмаклашиш мақсадида 200 кишидан иборат бригада тузилди. Улар шу кунларда йирик хўжалик — Гулистон совхози далаларида хирмонга кунига 3-3,5 тоннадан дурдона тўкишяпти.

Газетхонлардан Ш. Ҳосилов, Н. Комилов, К. Матёқубов, И. Усмонов, Я. Сайдазов, А. Абдуазизов, С. Сандов ўртоқлар эса Самарқанд Давлат университети, Тошкент Давлат педагогика, медицина, политехника, қишлоқ хўжалиги институтлари ва Оҳунбобоев номидаги медицина билим юрти студентларининг меҳнатлари ҳақида қалам тебратганлар.

Республикамизнинг бепоён пахтазорларида етиштирилган мўл ҳосилни барвақт йиғиб олишда мактаб ўқувчилари ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Андижон райони ўқувчилари ҳозиргача эл хирмонига 110 тоннадан ортиқ дур тўкиб, областда пешқадамлик қилишяпти. Айниқса 46-мактаб ўқувчиларидан устозлар ҳам, колхозчилар ҳам мамнун. Чуст районидаги Ильич номли мактаб ўқувчилари 50 гектар майдондан 90 тонна «оқ олтин» топширib, йиллик планни 7 иш кунида бажардилар. Бу ҳақда ўртоқ И. Мирзаев севинч билан ёзади.

Ҳазорасп районидаги «Янги қадам», Иштихон районидаги 50-мактабларнинг меҳнатсевар ўқувчилари ҳақида О. Аминов ва А. Раҳмонов ўртоқлар ёзиб юборишган. С. Каримов (Бухоро). М. Султонов (Сирдарё). Э. Худойқулов (Тошкент) ўртоқларнинг редакцияга юборган хатлари ҳам ана шу темага бағишланган.

Хатлардан сатрлар

Қашқадарё. Чироқчи районидаги Оҳунбобоев номли совхозда улуғ доҳиймиз Ленинга ҳайкал ўрнатилди.

А. Каримов.

●

Навоий. Шаҳар қурувчилари 167 оилага мўлжалланган 5 қаватли турар-жойни фойдаланишга топширдилар.

М. Рўзимов.

●

Сурхондарё. «Ўзбекистон» селъпоси коллективининг ташаббуси билан Куйбишев номли колхозда сотувчисиз магазин ишлай бошлади.

С. Абиров.

Гектаридан 32 центнердан

Ўзбекистон районидаги Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Рисолатой Эргашева раислик қилаётган Ленин номли колхоз аъзолари ҳар гектар ердан 32 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, зиммага олинган мажбуриятни ҳам шараф билан адо этдилар. Хўжаликнинг Ҳошимов, Мамаюсупов ўртоқлар бошлиқ пешқадам бригадалари аъзолари гектаридан 34-36 центнергача пахта йиғиб олдилар.

Ҳали далаларда ҳосил кўп. Уз имкониятларини ҳисобга олиб чиққан колхоз деҳқонлари яна она-Ватанга 300 тонна пахта топширишга, шундай қилиб, ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга кўтаришга аҳд қилдилар.



Фото лавҳалар

Ўзбекистон пахтакорлари она-Ватанга планни тўлдирдик, деб рапорт беришга тайёр турибдилар. Пахта учун курашнинг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқаси дала меҳнаткашларимиз учун ғоятда қадрлидир. Шунинг учун ҳам миришкор деҳқонларимиз шу кеча-кундузда тағин ҳам ғайрат қилиб, олға томон интилмоқдалар. Ўнг томондаги суратда ҳаваскор фотомухбир Л. Глуберзон Андижон область Хўжаобод районидаги «Правда» колхозининг пахта хирмонини суратга олган. Чапдаги суратда эса шу райондаги Ленин номли колхознинг мавсумда 20 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олиб, ҳар куни хирмонга 110-130 килограммдан пахта тўкаётган илғор теримчиси Тожихон Маҳкамова. Бу суратни андижонлик ҳаваскор фотомухбир Э. Жониқулов юборган.



Совет Иттифоқининг душманлари қилаётган туҳматларга қарамай, мамлакатимизнинг империализмга қарши позициясини равшан ва яққол эканлигини империализмга қарши курашаётган халқлар яхши биладилар.

Гвинея Республикасининг президенти Секу Туре бундай деган эди: «Гвинея Республикасига ҳамда Осиё, Африка ва Латин Америкасининг миллий мустақиллик учун, империализмга қарши курашаётган бошқа кўпгина давлатларига кўрсатган ёрдамингизни биз юксак даражада қадрлаб келдик ва қадрламоқдамиз. Бу ёрдамингизга аввало биз миллий суверенитет, озодлик ва тўла озодлик идеаллари учун курашаётган мамлакат нуқтаи назаридан қараб баҳо бермоқдамиз».

Ўз Ватанининг иқтисодий қудратини кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётган, унинг ҳарбий қувватини кучайтираётган совет халқи империализмга энг катта революцион зарбалар бераётганлигини ва барча революцион, антиимпериалистик кучларнинг энг ишончли иттифоқчиси эканлигини ҳамма мамлакатларда империализмга қарши курашувчилар яхши англамоқдалар.

Фақат социалистик давлатларгина озодликка эришган мамлакатларга чинакам беғараз, қардошлик ёрдами кўрсатишлари мумкин ва кўрсатмоқдалар. Уларнинг тез иқтисодий ривожланиши, социализм ва коммунизм қуришдаги муваффақиятлари — мана шу ёрдамни кўпайтириш гаровидир.

Ривожланаётган мамлакатларга ошиқча моллар ҳисобидан ёрдам кўрсатилаётгани йўқ, балки социалистик мамлакатларнинг ўзларига жуда керак бўладиган маблағлар ва материаллар ҳисобидан ёрдам кўрсатилмоқда; бу — чинакам интернационализм намунасидир. Бу ёрдамнинг обрўйини тўкишга уринаётган ҳар бир киши социалистик мамлакатлар меҳнаткашларининг энг олижаноб ҳисларини ҳақорат қилган бўлади.

Маълумки, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бизнинг мамлакатимизда давлат ихтиёрида бўлган ресурсларнинг ҳаммасини баббаравар тақсимлаб, бамисоли бутунлитифоқ миқёсида буларни ҳаммага бир текис улашиб беришни таклиф қилган кишилар бўлган эди. Лекин бу нарса ривожланган совет республикаларининг экономикасига фақат путур етказган бўлур эди ва қолоқ республикаларга ҳеч бир реал ёрдам бермаган бўлур эди. Партия бу таклифларни рад қилди ҳамда ривожланган совет республикаларининг экономикасини ва маданиятини тез юксалтиришни ва қолоқ республикаларни тағин ҳам тезроқ ўстиришни кўзда тутган снёсий йўлни ишлаб чиқди. Умуман бутун СССРда саноат ишлаб чиқариши революциядан олдинги вақтдагига нисбатан бир неча ўн баравар ўсган бўлса, илгари қолоқ бўлиб келган республикаларнинг кўпида саноат ишлаб чиқариши қарийб юз баравар ўсди. Ривожланган миллатлар ҳам ўзларининг олға боришларини тўхтатмасдан, балки ўзлуксиз ва тез ривожланиб борган шароитда илгари маълум халқларнинг қолоқлигини йўқотиш мумкин эканлиги шу тариқа амалда исботланди.

Бу — ибратли тажрибадир. Социалистик ҳамдўстлик ичида, шунингдек социалистик давлатлар билан мустамлакачилик асоратидан озод бўлган мамлакатлар ўртасидаги бирдан-бир тўғри ва самарали муносабатлар шуки, социализмнинг обрўйини тўкадиган ва айни вақтда бошқа мамлакатлардаги аҳволни тубдан яхшиламайдиган қандайдир халқаро техникачилик вужудга келтирмасдан, балки ҳамма мамлакатларнинг муттасил олға боришини таъминлаш, ривожланган социалистик мамлакатларнинг қолоқ мамлакатларга ёрдам кўрсатиб туриши ва шу тариқа уларнинг мумкин қадар тезроқ суръатлар билан ривожланишини таъминлашлари керак.

Идеология нуқтаи назаридан қараганда, жаҳон социализми даврининг қиёфасини белгилаб бериш билан бирга миллий озодлик курашининг социал мазмунига ва идеалларига таъсир тўхтовсиз турибди. Социалистик мамлакатлар шу идеалларни конкрет иқтисодий, снёсий ва маданий муваффақиятларда, миллий ва социал эркинликда гавдалантириб, собиқ мустамлакалардаги халқ оммасининг назарида тобора кўпроқ жуда катта жозибадор кучга айланмоқдалар; бу эса капитализмнинг ҳимоячиларини маънавий-снёсий жиҳатдан янгалаб қўйишга ва мустамлакачиликдан озод бўлган мамлакатлардаги халқларнинг социалистик ривожланиш йўлини танлаб олишларига ёрдам бермоқда.

Капитализмни мумкин қадар тезроқ тугатишни қайси революционер истамайди? Бироқ бундай интилиш капиталистик мамлакатларнинг ўзидаги ишчилар синфи оммасига, меҳнаткашларга сингиб кетиши керак.

Меҳнаткашларда революцион онг аввало уларнинг эксплуатацияга қарши норозилигининг натижаси сифатида туғилади, зулмга қарши олиб борилаётган синфий курашда бу революцион онг ўсиб боради, капиталистик мамлакатларнинг ички зиддиятлари кескинлашаётган заминда кучая беради. Айни вақтда бу революцион онг социалистик мамлакатларнинг муваффақиятларига бевосита боғлиқдир. Бунга таажжубланишнинг ҳам ўрни йўқ. Социализм гўё шундай тузумки, бу тузумда шахсий эркинлик ва ташаббускорлик бостирилаберади, одамнинг моддий фарогати давлат манфаатига, ишлаб чиқариш мақсадининга кўзловчи ишлаб чиқаришга ва шу кабиларга қурбон қилинади, деб буржуа пропагандаси неча ўн йиллар давомида исботлашга уринib келди. Ғарбдаги одамларнинг анчагина қисми ҳали ҳам мана шундай тасаввурлардан қутулмаганлигини инкор қилиш нотўғри бўлур эди. Бундай тасаввурларни фақат амалий далиллар билангина рад қилиш мумкин. Шу сабабли социалистик мамлакатлардаги Коммунистик партияларнинг самарали экономика вужудга келтириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ва маданий савиясини ошириш, социалистик демократияни ривожлантириш мақсадида кўраётган чоралари шу қадар жуда катта революционлаштирувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Аксинча, буржуа пропагандаси меҳнаткашлар сафига саросималик солмоқ учун, социализмдан меҳнаткашларнинг кўнглини совутмоқ учун шу соҳалардаги ҳар қандай камчиликлардан, айниқса бузилишлардан кенг фойдаланмоқда.

Социалистик мамлакатларнинг социализм ва коммунизм қуришга қаратилган йўли капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг революцион ташаббусини ҳеч бир даражада бўғиб қўймайди, балки бу йўл уларнинг революцион ташаббусини бутун чоралар билан ривожлантирувчи энг самарали воситадир.

Капиталистик мамлакатларнинг индустриал-техникавий ривожланишда асрий тажрибалари бўлганлигини ҳисобга олсак, модий ишлаб чиқариш соҳасида капитал мамлакатларидан устун бўлиб қолишга эришиш социалистик мамлакатлар учун осон вазифа эмас. Лекин шундай бўлса ҳам бу вазифа огишмай ҳал қилинмоқда. Социализмнинг капитализмга нисбатан «иқтисодий даъвати» тобора қудратли даъват бўлиб қолмоқда. Саноат ишлаб чиқариши урушдан олдинги даражадагига нисбатан социализм дунёсида тахминан тўққиз баравар кўпайди, капитализм дунёсида эса фақат 3,2 баравар кўпайди. Социалистик мамлакатлар жаҳонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ярмидан кўпроғини ишлаб чиқараётган бўлиб қолганларида уларнинг капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетиши вазифасини ҳал қилиш учун ҳатто яна муайян вақт керак бўлган тақдирда ҳам социалистик мамлакатларнинг келгусида мана шундай ўзиб кетиш имкониятлари тобора яққол кўриниб турганлигини ҳатто душманларимиз иқрор қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Социализмни қуриб мустаҳкамлаб олишга муваффақ бўлган совет халқининг йўли фақат битта, у ҳам бўлса — коммунизм йўлидир. Империализмнинг мавжудлиги мамлакатимизда социализмнинг ғалаба қилишини тўхтатиб қола олмаганлиги каби СССРда коммунизмни вужудга келтиришни ҳам тўхтатиб қола олмайди. Яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, ҳозир жаҳон социалистик системаси мавжуддир, у империализмнинг кирдикорларига қарши муваффақиятли курашмоқда. Империализмнинг истакларига қарши СССРда социализм қурилганлиги каби худди шундай истакларга қарши бизнинг мамлакатимизда коммунизм ҳам албатта қурилади.

Социалистик мамлакатларнинг коммунистик партиялари, меҳнаткашлари шу мамлакатларда социализм ва коммунизмни муваффақиятли қуриш бутун дунё меҳнаткашлари олдида ўзларининг интернационал бурчларини энг яхши бажаришнинг ўзи эканлигини англаб, иқтисодий ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида реал муваффақиятларга эришмоқ учун тобора кўп куч ва ғайрат сарфламоқдалар. Шу билан бирга улар социализм ва коммунизм қуриш гоят мураккаб ва қийин иш эканлигини тушуниб турибдилар. Бу ишни рўёбга чиқармоқ учун вақт керак, халқнинг ҳамма кучларини сафарбар қилиш керак, коммунистик партияларнинг раҳбарлик қилишида юксак маҳорат бўлиши керак.

Иқтисодий ривожланиш ўзи бўларчиликка ташлаб қўйилмасин ва объектив иқтисодий қонунларни писанд қилмасликка йўл қўйилмасин, шу қонунларни ҳисобга олиб, амалий снёсатда мана шу қонунларга таяниб иш олиб борилсин. Социалистик мамлакатлар ривожланишидаги кўп йиллик тажрибадан келиб чиқаётган қатъий хулоса мана шу.

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилги сентябрь Пленуми хўжаликни бошқариш методларини яхшилашнинг энг кардинал чораларини белгилаб берди. Ҳозир бу чоралар амалга оширилмоқда. Бошқа социалистик мамлакатларнинг кўпларида ҳам ҳудди шундай иш қилинмоқда. Социалистик мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг анча етуқроқ даражасига мувофиқ равишда раҳбарлик методларини такомиллаштириш ишлаб чиқарувчи кучларни ҳар томонлама юксалтирмоқ учун, ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширмоқ учун янги имкониятлар очиб беради.

Социалистик мамлакатлар социализм ва коммунизм қуришда аввало ўзларининг ички имкониятларига таяниш билан бир вақтда умуман бутун жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилмоқдалар, ўзаро манфаатли ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўлини очмоқдалар, бундай ҳамкорлик социалистик мамлакатларнинг ҳаммасига фойда етказмоқда.

Социалистик мамлакатлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш — жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлган ишдир. Буржуа пропагандаси социалистик мамлакатлар ўртасида баъзи англашилмовчиликлар борлигидан фойдаланиб, марксизмнинг энг асосий тезисларидан бирига ҳужум қилмоқда. Бу тезис шундан иборатки, миллатлар ичида синфлар антогонизми тугала борган сари миллатлар ўртасидаги душманлик муносабатлари ҳам йўқ бўлиб кетиши лозим. Реакция идеологлари халқлар ўртасидаги душманликни социализм йўқота олмайди деб исботлашга уринмоқдалар. Лекин туҳматдан иборат бўлган бу ўйдирмани жонли воқелик тилка-пора қилиб ташламоқда. Кўп миллатли Совет Иттифоқи—халқлар дўстлигининг жонли намунасидир. Социалистик мамлакатларнинг халқлари ўртасида ҳам мустаҳкам дўстлик ўрнатилган. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги келишмовчиликлар асло социализмнинг табиатидан келиб чиқаётгани йўқ. Бу келишмовчиликларни енгиш социалистик ижтимоий муносабатларнинг устунликларини кўрсатувчи яна бир яққол намойиш бўлади. Ҳар бир социалистик мамлакат социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш учун тинмай курашмоғи лозим.

Империалистлар, прогрессив кучлар бир-бирлари билан кураша бериб, ўзларининг тинкаларини қуритa берадилар, деб умид қилмоқдалар. Бу ниятларни барбод қилмоқ учун, реакциянинг ногорасига ўйнамаслик учун чинакам революционерлар келишмовчиликлар бўлган тақдирда ҳам ўзларининг диққат ва эътиборларини асосий вазифадан — империализмга қарши курашдан мутлақо чалғитмасликлари керак.

Америка империализми очиқдан-очиқ ва сурбетлик билан бир қанча агрессиялар қилган. Вьетнамга қарши жирканч уруш олиб бориб, ялпи тинчликка таҳдид солаётган ҳозирги вақтда ҳар бир социалистик мамлакатнинг, революцион ҳаракатдаги ҳар бир отрядининг бурчи шуки, улар ўз ҳаракатларини бошқа прогрессив кучларнинг ҳаммаси билан бирлаштириб, империализмга зарба беришлари, тинчликни сақлаб қолишлари, Вьетнам халқининг ҳамда ўз озодлиги учун курашаётган бошқа ҳамма халқларнинг адолатли ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишлари лозим.

Агрессив ҳаракатлар қилаётган империализмга қарши кураш ҳозирги замон шароитида шундай зўр воситадирки, ҳар қандай революционернинг ниятларидаги самимийлик мана шу восита орқали синалади. Ҳамма мамлакатларнинг коммунистлари, меҳнаткашлари, у ёки бу партиянинг марксизм-ленинизмга содиқлигига аввало шу партиянинг қилаётган ишларига қараб баҳо берадилар, империалистик реакция ва агрессия кучларига шу партия қандай зарба ураётганлигига қараб баҳо берадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси социалистик мамлакатларнинг, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш учун жуда кўп куч ва ғайрат сарфламоқда. Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан чинакам тенг ҳуқуқлиликка ва ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланган иқтисодий ҳамкорликни тобора кучайтиришда ва йўлга қўймоқда. Совет ҳукумати СССРнинг ва бутун социалистик лагернинг мудофаа қувватини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқда. Совет ҳукумати социалистик мамлакатлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик принципига жуда қаттиқ амал қилмоқда. КПСС совет халқини барча социалистик мамлакатларнинг халқлари билан, жаҳондаги ҳамма халқлар билан дўстлик руҳида тарбияламоқда.

Бизнинг партиямиз коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1965 йил мартидаги Маслаҳат учрашуви жаҳон коммунистик ҳаракатдаги ошкора муноқашларни тўхтатиш тўғрисидаги чақиригига қаттиқ амал қилмоқда. Бизнинг партиямиз марксизм-ленинизм принциплари асосида шу ҳаракатнинг бирлигига эришишни ўзининг асосий интернационал вазифаларидан бири, деб ҳисобламоқда. КПСС, бошқа марксчи-ленинчи партиялар ўзларининг бутун диққат ва эътиборларини шу партияларни бир-биридан ажратадиган масалаларга эмас, балки уларни бирлаштирадиган масалаларга қаратмоқдалар.

Бизнинг партиямиз келишмовчиликлар мавжуд бўлган шароитда ҳам ҳаракатларимизни бирлаштиришга чақириб, турли нуқтаи назарларнинг ҳаққонийлиги, тўғрилиги масаласини ҳал этишни вақтнинг ўзида, амалий турмушга ҳавола қилишни таклиф этаётир. Ўз концепцияларининг тўғрилигига ишонмаган кишиларгина шу концепцияларни вақт мезони билан, практика билан синаб кўришдан қўрқишлари мумкин. Айниқса империализмга қарши, социализм ва коммунизм қуриш учун биргаликда кураш олиб бориш келишмовчиликларни йўқотишга, муштарак нуқтаи назарларни ишлаб чиқишга объектив равишда ёрдам бериши лозим.

* * *

Социалистик мамлакатларнинг социализм ва коммунизм қуришга қаратилган йўли урушдан кейинги ривожланишнинг йигирма йиллик практикасида синовдан ўтди. Социалистик мамлакатларнинг социализм ва коммунизм қуришдаги ютуқларининг ўзи ҳам мана шу йўлнинг тўғрилигини исботловчи энг мустаҳкам далилдир. Айни вақтда кейинги йигирма йил ичида жаҳонда рўй бераётган буюк революцион ўзгаришларнинг ўзи ҳозирги жаҳон тараққиётининг ҳал қилувчи кучи бўлиб қолаётган социалистик система ўтказаётган таъсирнинг энг катта натижаларидан биридир. Социалистик мамлакатлардаги социализм ва коммунизм қурилишининг бундан буёнги муваффақиятлари ҳозирги замондаги барча революцион отрядлар учун, уларнинг империализмга қарши қудратли, зафарли иттифоқ бўлиб мустаҳкам бирлашишлари учун, барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг ўз умрини тугатган тузумни — капитализмни йўқ қилиш йўлида, жаҳон социализмининг ғалабаси йўлида кураш олиб боришлари учун тағин ҳам қулайроқ шарт-шароит вужудга келтиради.

(27 октябрдаги редакцион мақола).

ПЛАНЕТАМИЗДА

САНТО-ДОМИНГОДА АҲВОЛ

ГАВАНА, 27 октябрь. (ТАСС). Пренса Латина агентлиги мухбирининг Санто-Домингодан хабар беришича кўра, Америка оккупациячи кучларининг вакили қуйидагиларни билдирган: 25 октябрда АҚШ ҳаводесант қисмлари солдатларидан иборат патруль Доминикана Республикасининг собиқ президенти Хуан Бошни унинг конституциячилар секторидаги уйидан Санто-Домингонинг ғарбий чеккасида жойлашган резиденциясига олиб келди. Бу вакил яна шуни қўшимча қилди: «Мен собиқ президент резиденцияга кузатиб қўйишларини ўзи илтимос қилдими, ёки оккупациячи қўшинларнинг буйруғига биноан, шундай қилиндими, уни айтолмайман», деди.

Америка қўшинлари конституциячилардан ташкил топган бутун миллий полиция отрядини қамоққа олди. Бу отряд Хуан Бош уйини қўриқлаб турар эди. Отряд қачон озод қилиниши маълум эмас. Ҳозирги вақтда Америка қўшинлари Доминикана Республикаси собиқ президентининг уйини ишғол қилиб туришни давом эттирмоқда.



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳисоблаш марказида 25 октябрда электрон-ҳисоблаш машиналари ишини программалашни автоматлаштиришга бағишланган кенгаш очилган эди. Кенгашда СССР, Болгария, Венгрия, ГДР, Руминия, Польша ва Чехословакия фанлар академияларининг вакиллари қатнашмоқдалар. Суратда ҳисоблаш марказининг мажлислар зали. Б. Мазур фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

СОВЕТ ТАКЛИФИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 27 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). БМТ Бош Ассамблеясининг XX сессияси ядро қуролини тарқатмаслик проблемасига ҳали ҳам катта эътибор бермоқда. Кеча тушдан кейин шу масала юзасидан биринчи комитетда ўтказилган мунозарада Бурунди Набвера (Кения) сўзга чиқиб, бундай деди: Марказий Европадаги вазиятни кўриб, Совет делегациясининг хавотирланаётганини тушуниш қийин эмас. Набвера кўп томонли ядро кучларини вужудга келтириш ядро қуролининг тарқалиб кетишига сабаб бўлур эди, деган фикрга қўшилди. Шу нуқтаи назардан қараганда, у, Америка лойиҳасини қониқарсиз деб ҳисоблаётганлигини айтди.

Кения делегати ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома устида олиб бориладиган музокараларга икки лойиҳани — Совет лойиҳаси билан Америка лойиҳасини асос қилиб олишни таклиф қилди. У шунингдек қуролсизланиш масаласи билан шуғулланувчи ўн саккизлар комитетининг ишида қатнашишга Франция билан Хитой Халқ Республикасини таклиф қилиш зарур деган фикрни билдирди.

С. Нильсен (Норвегия) ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг лойиҳасига бағишланган бевосита музокараларни ё қуролсизланиш масалалари билан шуғулланувчи 18 лар комитети доирасида ёхуд мана шу ерда, Нью-Йоркда, Бош Ассамблеянинг ҳозирги сессиясида ўтказиш зарур, деган фикрни баён қилди.

Ирландия бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри Ф. Эйкен ядро қуролини тарқатмаслик проблемасини ҳал қилишда буюк давлатларнинг ролини таъкидлаб ўтди.

Музокарада Афғонистон вакили Пежвак ҳам сўзга чиқди.

Яман чегарасида иғвогарликлар

САНО, 27 октябрь. (ТАСС). Инглиз мустамлакачи қўшинлари Яман Араб Республикасининг чегараларида иғвогарлик ҳаракатларини давом эттирмоқда. Яман Араб Республикаси ташқи ишлар министрлигининг шу муносабат билан эълон қилинган ахборотида инглиз қўшинлари сўнгги вақтларда Яманнинг давлат чегарасини уч марта бузадилар, дейилади.

Мутахассислар билан журналистлар учрашуви

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг мажлислар залида пойтахт журналистлари билан саноат корхоналари мутахассислари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда завод-фабрика, фирмаларнинг директорлари, экономистлар ва олимлар иштирок этдилар.

Иқтисод фанлари доктори, профессор О. Аминов, доцент М. Шарифхўжаев, «Ташкенткабель» заводининг директори К. Сафонов, «Қизил тонг» фирмасининг бош инженери И. Бабаянц, республика Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрининг ўринбосари В. Ражабов, СССР Давлат банки республика конторași бошқарувчисининг ўринбосари И. Сенчук ва бошқа ўртоқлар КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш, янги шароитда саноатни бошқариш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, планлаштиришни такомиллаштириш, кредит беришнинг етилган масалалари тўғрисида гапириб бердилар.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Ўзбекистоннинг ҳамма районларида ҳаво булут бўлиб туради. Тоғли районларда эса ёғингарчилик деярли бўлмаслиги кутилади. Ўзбекистоннинг қолган районларида ҳам ёғингарчилик бўлмайди. Секундига 3-7 метр тезликда шамол есади. Ҳарорат 10-15, шимолий районларда 5-10 даражада иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб тў ради, ёғингарчилик бўлмайди, 11-13 даража иссиқ бўлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/X да **Князь Игорь**, 30/X да **Бог-часарой фонтани**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/X да **Қотил**, 30/X да **Қонли сароб**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1965/66 йил мавсумининг очилиши — 30/X да **Гули сиёҳ**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 30/X да **Грузин цирки артистларининг гастроли**.

КИНО

Ер айланасида саёҳат — НАВОИЙ номли, «МОСКВА», (кундуз ва кечқурун). «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 3-10 минутдан).

Эшик тутичли комедия — «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», «ДРУЖБА» (2-залда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 яримда).

Бева-келинлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

«ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 да). **Қара, йўл кўринади**, (кеч 6-40 минутда ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли.

Еттидан ўн иккигача (эрталаб соат 10 ва 11-40 минутда). **Қайдасан, Максим?** (кундуз 1-20 минутда) — «ЕШ ГВАРДИЯ».

Қора бахмал — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Чапақай — «ДРУЖБА» (I-залда кундуз ва кечқурун).

Галапагос — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Бомбай қизи — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 кундуз 2 ва кеч 6 да).

Мандат — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3 да).

Қайсарлар — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Моримото Каору асари

Ўғирланган умр

3 пардали драма.

А. Абдуллаев таржимаси.

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Т. Хўжаев**, рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Г. А. Визель**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

Грузин цирки артистларининг иштироки билан

болалар томошалари

4, 5, 6, 9, 10/XI да кундуз соат 12, 7/XI да кундуз соат 12 ва 4 яримда, 8/XI да кундуз соат 12 ва 3 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

БАШНЯ КРАНЛАРИ МЕХАНИЗАЦИЯ БОШКАРМАСИГА

башня кранлари машинистлари, монтажчи слесарлар, йўл слесарлари, ускуна ва механизмларни ремонт қилувчи слесарлар, электриклар, сварначилар

КЕРАК


Елғиз кишилар ётоқ билан таъминланади.

Тошкент шаҳар, Сапёрная кўчаси, 10-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

БМТ Бош Ассамблеясининг тўртинчи комитетида

НЬЮ-ЙОРК, 27 октябрь. (ТАСС). БМТ Бош Ассамблеясининг XX сессиясидаги Совет делегациясининг аъзоси С. О. Азимов кеча БМТ Бош Ассамблеясининг тўртинчи (васийликдаги ва ўзини бошқармайдиган территориялар билан шуғулланувчи) комитети мажлисида Жанубий Родезиядаги аҳвол тўғрисида ТАСС баёнотини ўқиб берди.

Жанубий Родезияда ўзбошимчалик билан мустақиллик эълон қилишдан мақсад нима эканлигини фош этиб ташлаган бу баёнотни эшитиб, Африка мамлакатларининг шу комитетдаги делегатлари уни маъқулладилар. Жанубий Родезиядаги аҳвол тўғрисида ниҳоясига етган музокаралар шуни равшан кўрсатдики, БМТ даги Африка-Осиё группаси Жанубий Родезия ирқчиларининг янги жиноятлар қилишга йўл қўймаслик мақсадида кескин чоралар кўришни талаб қилмоқда. Ҳозир комитет Жанубий Родезия тўғрисидаги масалага доир резолюцияни ишлаб чиқмоқда.



Англия ҳукумати Адандаги миллий-озодлик курашини бостириш учун қўшинлар юборишни давом эттирмоқда. Суратда инглиз солдатлари ва қуролли полициячилари жазо операцияси вақтида. Оммавий тинтувлардан сўнг 300 киши қамоққа олинди.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

РЕСПУБЛИКА ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

Республика Журналистлар союзи правлениесининг президиуми ўзининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг қарорлари муносабати билан матбуот ходимлари фаолиятини яхшилашга тааллуқли бир қанча масалаларни муҳокама қилди.

Ноябрь ойида республика, область ва шаҳар газеталари, журналлар, радио ва телевидение саноат бўлимлари мудирларининг, саноатдаги кўп тиражли газеталар редакторларининг уч кунлик семинарини ўтказишга қарор қилинди. Семинар программасида партия ходимлари, олимларнинг доклад ва лекцияларини тинглаш, тажриба алмашиш, корхоналарга бориш, республика газеталари редакцияларида суҳбатлар ўтказиш сингари тадбирлар бор.

Ўзбекистон журналистлар союзи правлениесининг навбатдаги пленуми партиянинг XXIII съездига тайёргарлик кўриш масаласига бағишланади.

«Кетти йиллик амалда» деган республика бадиий фотография выставкасини КПСС XXIII съездига бағишлаб 1966 йил февралида очиш кўзда тутилди.

Қашқадарё ва Сурхондарё областидаги район ва область газеталари редакцияларига, шунингдек ёшлар газеталари ва журналлари редакцияларига иккидай ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. «Советская печать», «Рабоче-крестьянский корреспондент», «Советское фото» ва «Ўзбекистон матбуоти» журналларини тарқатиш масаласи муҳокама қилинди (ЎзТАГ).

МАЖАРЛАР ЎЛКАСИ *)

ТАГОР ЎТҚАЗГАН КЎЧАТ

Эртаси куни Балатонининг ўнг соҳили томон йўл олдик. Энг машҳур курорт ва шифохоналар ана шу соҳилларги Балатонфюредга жойлашган экан. Йўлда кетаётганимизда ҳамроҳим Аламир бу ернинг таърифини роса жойига қўйиб мақтаган эди. Шу ерга етиб келганимизда унинг ҳамма айтганларига инондим. Шохлари чирмашиб кетган қулоч етмас азим дарахтлар (булардан баъзилари 2000 ёшар экан) кенг ва равоп йўлга тангадек офтоб нурини туширмас экан. Кўл соҳилидаги жон роҳати хиёбонлар оралаб кексаю ёшлар сайр этишар, бутун атрофда ранго-ранг нафис гуллар ўзини кўз-кўз қилиб товаланар, ўз муаттар бўйи билан димоғингизни чоғ этарди. Чап томондаги тоғлик ёнбағирларида салобатли бинолар қад кўтариб турибди. Буларнинг ҳаммаси шу ернинг табиати ва саҳоватига монанд. Бу ерни жажжигина ям-яшил шаҳарча деса бўлади.

Бу шаҳарча шифобахш, оромбахш жой бўлиши билан бирга айрим спорт ўйинларининг маркази ҳам ҳисобланади. Ҳар йили мамлакат бўйича ўтказиладиган традицион парус спорти, «Кўк лента», «Оқ лента» мусобақалари худди шу ерда ўтказилади. Ҳар йили сентябрь ойининг биринчи якшанбасида болиқчилар, ундан аввалроқ эса июнь ойида шахматчилар шу ерда кўч синашар экан. Айтишларига қараганда, ёзги спорт мавсумида будапештликлар, атроф қишлоқда яшовчилар Балатонфюредга «кўчиб» келишар экан. Бу ер ҳақиқатан ҳам 77 километрли кўлда сув мусобақалари ўтказиш учун жуда қулай эканлиги кўриниб турибди.

Балатонфюред шифобахшлиги билан дунёга машҳур. Бу ернинг тубидан отилиб чиқаётган илиқ табиий сув икки юз йилдан бери юрак касаллигига шифо бахш этиб келаётганлигини айтишди. Бутун жаҳонга довруғи кетган ҳинд шоири Рабиндранат Тагор шу касалликка чалинганда, 1926 йилнинг кузида даволаниш учун шу ерга келиб истиқомат қилган эканда, соғайиб ўз юртига қайтиш арафасида тўрт қаватли шифохона қаршисидаги хиёбонга ёдгорлик сифатида бир туп аргувон (липа) кўчати ўтқазган экан. Шу кўчат олдида туриб қуйидаги сатрларни ёзиб қолдирган экан:

О, ниҳол!
Бу дунёни мен этиб кетганимда тарк,
Ҳар баҳор чоғида сен ёзурсан барг.
Сенинг кўк япроғинг йўловчиларга:
«Шоир бу ҳаётни севиб ўтди деб».
Менинг тақдиримдан бережак хабар.

Мана, Тагор ўтқазган ниҳол бўй чўзиб, вояга етибди. Унинг бақувват, бардам шохларидан таралган кўм-кўк япроқларнинг ҳиди аниқ туribди. Асаларилар келиб шу дарахт гулларидан озиқланиб кетаркан. Шу азамат дарахтнинг қалин япроқлари Тагор ҳайкалига соя тўшаб турибди. Ҳайкалнинг тагига улуг шоир ёзиб қолдирган юқоридаги ҳароратли ва ҳикматли мисралар олтин ҳарфлар билан битиб қўйилган. Шу ердан ўтган ҳам, кетган ҳам ҳинд шеърияти илдизининг пок хотирасини эъзозлаб ўтиш учун шу дарахт, шу ҳайкал олдида бир дақиқа бош эгади, шоирнинг оташин қалбидан отилиб, чиқган ана шу мисраларни такрор-такрор ўқийди.

Тагор ўз қўли билан ўтқазиб кетган дарахт тагидаги ҳайкал буюк мутафаккир вафотидан кейин ўрнатилган. Балатониликлар эрк ва бахт қўчисининг хотираси ҳурматига шу сўлим соҳилни Рабиндранат Тагор номига қўйишган. Мен шу дарахт, шу ҳайкал олдида туриб, дарҳақиқат, ўлмасларга ўлим йўқ экан, деб кўнглимдан ўтказдим-да, қўлимдаги гулдастани шоир ҳайкали ёнига охиста қўйдим.

ШИҒИЛ ҲОСИЛ

Якшанба куни эди. Дўстим Аламир Балог мени Балатоналмадидаги боғига таклиф қилди. Шу баҳона автобусга тушиб, Веспремдан яна Балатон томон йўл олдик. Кўлнинг шимолий соҳили ёқалаб боряпмиз. Верешбериан ўтганимиздан кейин яшил либосга бурканган тоғ тизмалари бошланди. Автобусдан тушиб, гранит тош ётқизилган эгри-бугри кўчалар оралаб, оҳиста тепаликка кўтарилаяпмиз. Бутун атроф боғрот. Ҳар бири нақ пиёладек келадиган нимранг олмалар дарахт шохларини саломга келтирган. Ноклар шовил пишиб, мени ол деб кўз-кўз қилади. Ғалвирак ёнғоқлар қобиғидан ажраб, ер билан битта бўлиб ётибди. Ҳар бири чақалоқнинг муштидек келадиган олхўри олтиндек товланади. Ранг олиб пишай-пишай деб турган шуғул-шуғул узумзор боғлар ўзига чорлаётгандек туйилади. Йўлма-йўлакай бир дам тўхтаб нафасимизни ростлаймиз-да, яна ана шу антиқа боғ-роғлар орасидан йўлда давом этамиз. Бир километр чамаси юқори кўтарилиб, манзилга етдик. Бу ердан Балатоннинг бутун борлиғи маъно ман, дегандек яққол кўзга ташланади. Чор атрофи сердарахт тоғ тизмалари билан ўралган кўл улкан майдонга кўк либос тўшаб қўйилгандек латиф манзара касб этади. Атрофга боқиб, асло тўймайсан, киши.

Мезбон билан бирга узумзор боғлар оралаб товланиб турган ранго-ранг узумлардан татиб кўрдик. Буларнинг ҳаммаси кордон, мусаллассби экан. Шу пайт кимнингдир шарпаси сезилиб, овоз эшитилди. Аламир дарҳол пешвоз чиқиб, келган кишини қарши олди-да, унинг қўлидаги шиша идишни олиб уйга кириб кетди. Меҳмон менга назар ташлаб, ўзга юртдан эканлигимни пайқади шекилли, меҳмон қаердан бўласиз, деб сўради. Унинг саволига жавоб бергинимда, сизлар паловнинг пирисиз, деди хурсанд бўлганидан.

Мезбонникида узоқ ўтириб қолдик. Кечга яқин у ердан чиқиб яна Балатон соҳилига равона бўлдик. Кўлка томон бўй чўзган Вешелени минораси қаршисида бир зум тўхтадик. Ҳамроҳим бу ҳайбатли миноранинг тарихини сўзлаб берди. Бу ёдгорлик ўтган асрда яшаган прогрессив венгер сиёсий арбоби барои Миклоша Вешелени шарафига қурилган экан. Вешелени ўз замонасида даврўк таратган машҳур спортчи бўлиб, Балатон кўлида узоқ масофага сузишда рекорд қўйган экан. Минора тепасига чиқиб, атрофни томоша қилдик ва Будатава, Камталинфюреднинг диққатга сазовор курортларини айландик. Балатонсеплакка бориб, журналистларнинг Халқаро дам олиш уйида бир кеча тунадик.

БИР БОШ УЗУМ

Бадачанини мажарлар мусаллас макони дейишаркан. Шу ердаги машҳур Балатонолиго номли узумчилик совхозида бўлдик. Минг гектар тонзорда 14 хил узум етиштирилади — итальян, француз, афузали, матхиясноши ва бошқалар. Ҳар бир навнинг ранги ва мазаси бошқача. Бири олапушти, бири кўкимтир, бири тимқора... Совхоз марказий бўлимининг бошлиги Южеф Дёри билан 300 гектарли узумзор оралаб борардик. Ҳавасимиз келганидан унисидан бир, бунисидан бир чўқилаб, тўйиб қолибмиз. Бўлим бошлиги бизни олдинга бошлаб, бир туп ток олдига олиб келди. Дафъатан ҳайрон қолдик. Ҳосили шу қадар кўпки, токнинг занги аранг кўринади.

— Бу янги нав, ўзимиз етиштирган «Бадачани», — деди у, — бир бош донадор узумни икки кафтида охиста кўтариб туриб. Бу учинчи йилги ҳосил. Яқин тўрт кило келади лоф қилмасам. Қаранг, ҳар бир донаси ёнғоқдай. Еб кўринг. Шираси оз бўлгани билан мусалласи қулинг ўргилсин бўлади. Чап томонингиздаги ўн гектар майдоннинг ҳаммаси шу навдан. Бу нов хўжалигимизга катта даромад келтирялти. Ўтган йили ҳар гектаридан 130 центнердан ҳосил кўтардик. Чамалаб кўрсак, бу йилги ҳосил гектарига 150-160 центнерга тўғри келади.

— Бир центнер ҳосилга қанча сарф-харажат бўлади-ю, қанча фойда олинади? — сўрадик ундан.

— Ўтган йили мана шу нов экилган майдондан 1300 центнер ҳосил олдик. Ҳар центнер узумга кетган чиқим 195 форинт (14 сўмга тўғри келди. Ҳар бир центнер ҳосилни давлатга 400 форинтдан сотдик. Кўрдингизми, қанчалик катта даромад оламиз.

— Ўтган йили совхоз бўйича қанча ҳосил кўтарилди?—сўрадик бўлим бошлиғидан.

— Бир гектар ердан 10 центнердан ҳосил олдик. Деман, ўнни мингга кўпайтирсак, ўн минг бўлади. Ишлаб чиқаришда эришган катта ютуқларимиз партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб, ўтган йили совхозимиз Қизил байроқ ордени билан мукофотланди. Бу юксак мукофотга жавобан ишимизни яна ҳам яхшилаяпмиз. Бу йилги ҳосилнинг чўғи гектарига 11 центнерга тўғри келиши бундан шаҳодат бериб турибди.

Бўлим бошлиғи совхоз экономикасини кўтаришда ҳосилдорликнинг йил сайин ошиб бориши, иқтисодий тежам, техника катта роль ўйнаётганини кўрсатувчи рақамлар келтирди, ишчиларнинг турмуши, маданияти тўғрисида ҳикоя қилиб берди. Унга миннатдорчилик билдириб, чорвадор «Гуллар» колхозига жўнаб кетдик...

Веспрем областининг жуда кўп ерларида бўлдим. Алюмин, наслдор отлар, чинни, шиша, вино заводларини бориб кўрдим. Бакон тоғининг энг баланд қисмига жойлашган дам олиш уйи менда ажойиб таассурот қолдирди. Ўз она юртимга қайтишда Будапештни томоша қиладим.

ДУНАЙ ДУРДОНАСИ

Будапешт—ер шаридаги энг гўзал шаҳарлардан. Қадимий ва азим шаҳарнинг Буда (эски) қисми билан Пешт (янги) қисмини тинч оқар Дунай дарёсига қурилган ўн етти азамат кўприк занжир сингари боғлаб турибди. Сокин дарёнинг соҳилидан тик кўтарилган Геллерт тоғининг чўққисида тиклаган Озодлик ёдгорлиги салобат-ла магрур турибди. Будапештни немис-фашист босқинчиларидан озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган ҳақсамон совет жангчилари хотирасига ўрнатилган шу ёдгорликни зиёрат қилиш учун тоғ чўқисига чиқдик.

Гранит тошдан ясалган бу улкан ёдгорликнинг мармар курсисига ўрнатилган совет солдатининг ҳайкали гўё жонли одам сингари Дунай тепасидан шаҳарга ҳушёр назар ташлаб турибди. Ёдгорликнинг орқа томонига ўйиб зарҳал билан жуда кўп совет офицер ва жангчиларининг номи ёзилган. Шулар орасида совет Шарқи халқлари фарзандларининг муборак номи ҳам бор. Буларнинг бири ўзбек бўлса, бири тожик. Бири туркман бўлса, бири қирғиз ўғлони.

Шу ердан шаҳарнинг бой манзараси борлигича яққол кўзга ташланади. Тогининг ён бағрини минг туман уйлар, яшил дарахтлар безаб, ором бериб турибди. Будапештликлар, узоқ-яқиндан келган меҳмонларнинг кети узилмайди бу ердан. Хуллас, Озодлик ёдгорлиги совет ва венгер халқлари буюк дўстлигининг ажойиб символи сифатида ҳамма учун ёзиз ва муътабар зиёратгоҳ бўлиб қолган.

Шаҳарнинг тарихий ва диққатга молик жойлари жуда кўп. Мана, пойтахтнинг, қолаверса бутун мамлакатнинг фахри сифатида дарё соҳилида қад кўтарган Парламент биноси. Узунлиги икки юз метрли ер сатҳини эгаллаган бернақш бу улкан бинонинг архитектура санъати инсоннинг қайратлантиради. Унинг жимжимадор безакларини яратган қўли гул ҳассос санъаткорларнинг дидига қойил! Дунёда тенги йўқ (ҳамроҳим шундай деб айтди) бу гўзал бинонинг қаршисидан яна бир улкан бинонинг салобат тўкиб турибди. Бу — Венгрия Миллий Галереяси. Шу музейни томоша қилар эканмиз, мажар рассомларининг зўр маҳорати билан яратилган полотноларни кўриб қойил қолдик. Эгри Юмжеф, Сёни Южеф, Булаги Лайош сингари буюк рассомларнинг қўли билан яратилган дурдоналар халқ маданияти тарихининг энг нодир намуналари сифатида сақланмоқда.

Алифдай тўғри энг гўзал кўча — Халқ Республикаси проспекти шаҳарнинг маданий маркази ҳисобланади. Шу кўчанинг ер қатлами орасидан Европада биринчи метро қурилган экан. Ҳозир метронинг ишга тушганига роса 71 йил бўлибди. Энг кекса опера театри, яна бошқа беш театр биноси кўчанинг ҳуснига ҳол бўлиб тушган. Проспектнинг бир учи Венгриянинг минг йиллиги шарафига ўрнатилган Минғйиллик ёдгорлиги ўрнатилган гўзал майдонга бориб тақалади. Шаҳарнинг ўтмиши ва ҳозирги тарихи, экономика ва маданияти тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. Хуллас-ул каломи, яхши миллион аҳоли яшайдиган Будапешт социалистик Венгриянинг қалби, мажарлар ибораси билан айтганда Дунай соҳилининг дурдонасидир.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

Будапешт—Тошкент.

*) Боши газетанинг 28 октябрь сонида.

ЎЗБЕКИСТОН АРТИСТЛАРИ ВЕНГРИЯДА

Кеча ўзбекистонлик санъаткорлардан бир группаси Москвага учиб кетдилар. Санъаткорлар Ватанимиз пойтахтидан Венгрияга жўнайдилар. Ўзбек артистлари қардош мамлакат бўйлаб икки ой давомида гастролда бўладилар. Венгрияга жўнаб кетган артистлар орасида Ўзбекистон ССР халқ артисти Гулнора Мавлаева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Қундуз Раҳимова, Сасон Беньяминов, Тоштемир Шарипов, Юнус Тўраев, Маҳмуджон Муҳамедов ва бошқалар бор.

Ўзбек артистлари Венгрияда кизмат вазифасини ўтаётган совет жангчиларига ҳам ранг-баранг программада концерт кўрсатадилар.

И. ИНОҚОВ.

«Совет Ўзбекистонининг штатсиз мухбири».

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИНФОРМАЦИЯСИ БЮЛЛЕТЕНЬ (ТЎПЛАМ)ЛАРИГА

1966 ЙИЛ УЧУН ЁЗИЛИНГ

«МЕХАНИЗАЦИЯ ХЛОПКОВОДСТВА»
(рус тилида)

Бир йилда 12 марта чиқади. Обуна ҳақи йилига 3 сўм 60 тийин. Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўпламда илмий тадқиқот ва конструкторлик ташкилотлари, пахтакорларнинг комплекс механизациялайдиган янги техника яратиш соҳасидаги ишлари, техникадан фойдаланиш, пахтакор хўжаликларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унинг экономикасига доир масалалар, илғор механизаторларнинг иш тажрибалари ёритилади.

«ХЛОПКОВАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ»
(рус тилида)

Бир йилда 4 марта чиқади. Обуна ҳақи йилига 1 сўм 20 тийин. Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўплам тармоқ илмий тадқиқот ташкилотлари ва конструкторлик бюроларининг пахта ва луб саноатида янги техника ва илғор технология яратиш, ундаги ишлаб чиқариш процесслларини механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасидаги иш натижаларини, шунингдек ишлаб чиқариш новаторларининг иш тажрибаларини ёритади.

«ШЕЛК»
(рус тилида)

Бир йилда 4 марта чиқади. Обуна ҳақи йилига 1 сўм 20 тийин. Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўпламда илмий тадқиқот ташкилотларининг тутчилик, ипак қурти биологияси, селекцияси ва қурт боқиш, пилла гайёрлаш ҳамда уни дастлабки ишлаш, пилла тортиш соҳасидаги иш натижалари ва фаолиятларини координациялаш масалалари, ишлаб чиқариш новаторларининг иш тажрибалари ёритилади.

«ЯНГИ ТЕХНИКА» БЮЛЛЕТЕНИ
(ўзбек тилида)

Бир йилда 12 марта чиқади. Обуна ҳақи йилига 3 сўм 60 тийин. Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Бюллетень илмий тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари ишларининг натижаларини, саноатнинг барча соҳаларида, транспорт, алоқа, қурилиш ва пахтачиликни механизациялашда Ватанимиз ҳамда чет эл фани ва техникаси эришган ютуқларни, ишлаб чиқариш новаторларининг иш тажрибаларини ёритади.

Илмий-техника информацияси бюллетенлари ва тўпламлари саноат, транспорт, қурилиш ва қишлоқ хўжалигининг инженер-техник ходимлари, ишлаб чиқариш новаторлари, илмий тадқиқот муассасалари ва лойиҳалаш-конструкторлик бюроларининг ходимлари, техникум ва олий ўқув юртларининг студентлари ва ўқувчилари ҳамда партия ва совет активи оммасига мўлжалланган.

Бюллетенларга «Союзпечать»нинг барча бўлимларида ёзилиш мумкин.

Газета ва журналнинг 1966 йилги республика каталогида илмий-техника информацияси бюллетенлари ва тўпламлари қуйидаги индекслар билан жойлаштирилган: «Механизация хлопководства» — 75214, «Хлопковая промышленность» —75215, «Шелк» — 75216, «Янги техника» — 75217. Обунани расмийлаштираётганда мана шу индекслардан тегишлисини кўрсатинг.

Обунани қуйидаги адрес бўйича расмийлаштириш мумкин: ш. Тошкент, А. Толстой кўчаси, 8, «Союзпечать»нинг шаҳар бўлими. Давлат банкининг шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақами № 44221.

Ўзбекистон ССР Илмий-техника информацияси ва пропагандаси институти.
ш. Тошкент-18, Ленин кўчаси уй № 17. Тел. 32608, 34520, 29284.

Ўзбекистон кўрлар жамиятининг Тошкентдаги

1-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

давлат саноат корхоналари билан кооперативлаштириш тартибида

1,5 тоннадан 100 тоннагача босимли прессларда заказчилар материалидан ҳар хил металл-штамповкали

деталь ва буюмлар

ТАЙЁРЛАШ УЧУН ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Октябрь район, Бобожонов кўчаси, 3-уй. Телефон 4-21-62, 4-52-31.

Тошкент Давлат медицина институтининг ректорати, партия ва касаба союз комитетлари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор

Асадулла Икромович МАЪРУФОВнинг

шу йил 28 октябрда вафот этганлигини қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади.

Марҳумнинг жасади солинган тобут бугун соат 15 да институт биносидан олиб чиқилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221, Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455, Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ В. 254. ИНДЕКС 64543. Р. 01297